

КИРИШ

Ўзбекистон мустақиллигини қўлга киритган илк йиллардан бошлаб маъорифга катта эътибор қаратди. Шу жумладан Ўзбекистон хорижий давлатлар билан халқаро алоқа қилмасдан туриб ўз келажагини белгилаб бера олмаслигини тушунган холда, ўз эътиборини хорижий эл халқлари тили, маданияти, санъати, давлат тузилиши ва жойлашувига қаратди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов тараққиётимизнинг асосий йўналишини белгилаб олишда таълимнинг нақадар муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатар экан куйидагиларни алоҳида таъкидлаб ўтган эдилар: «Миллий тикланиш йўли юқори саводхонлик юксак маданият орқали ўтади. Шунинг учун ҳам маълумот даражаси ва профессионал тайёргарликда XXI аср арафасида бизнинг ижтимоий ривожланишимизнинг ўлчови бўлиб қолмоғи керак. Бу ислохотларнинг белгиланган йўлидан боришининг энг яхши лойиҳасидир. Бу сарфланган маблағлардан вақти келиб энг кўп фойда олинадиган йўналишидир. Хукуматимиз томонидан қабул қилинган кадрлар тайёрлаш миллий дастури ана шу фикрнинг амалий тадбиғи асосида кўриш мумкин».

Шу сабабли Ўзбекистонда таржимашунослик соҳасида ҳам жуда кўп илмий изланишлар олиб борилмоқда. Чунки бадий таржимада аслият руҳини, моҳиятини англаш, матндаги турли туман элементларнинг лексик, фразеологик, грамматик, фонетик функцияларини, тушуниб етиш, таржима тилида уларга ҳар томонлама мос муқобиллар топиш ғоят кўп қамровли ва мураккаб жараён дир. Бунда Л.С. Бархударовнинг таъбири билан айтганда, “икки турли хил тилларнинг лексик бирликлари ўртасидаги семантик муқобиллигини топиш муҳим дир”[1, б 45].

Кейинги пайтларда таржима соҳасидаги тадқиқотларда юзага келаётган лексик муаммоларга катта эътибор қаратилмоқда. Таржима тилларининг камолоти учун зарурий восита сифатида, уларнинг ривожланиш суръатини жадаллаштиради, луғат бойлигини оширади ва такомиллаштиради.

Ўзбекистонда хорижий тиллар мутахассислик фанлари сифатида ўргатилаётганини инобатга олсак, шу пайтгача ўзбек тилидан инглиз, француз, немис ёки испан тилига таржиманинг лексик асослари деярли ишлаб чиқилмаган. Тўғри, бу соҳада маълум ютуқларимиз бўлиши мумкин, лекин бу ўзбек тилидан хорижий тилларига ёки хорижий тиллардан ўзбек тилига таржима қилиш асосларини яратиш учун етарли эмас. Кўплаб назарий фикрлар ҳали умумлаштирилмаган. Бевосита хорижий тилларидан ўзбек тилига таржима қилинган асарлар таржима нуқтаи назаридан таҳлил этилмаган.

Амалга оширилган таржима асарлар таҳлил қилинмаётганлиги боис, нашр этилган аксарият луғатларда сўз маънолари, уларнинг маъно нозикликлари эътибордан хорижийда қолиб кетаётир.

Бадиий таржима, ижтимоий-сиёсий матнлар ва илмий-техник таржималарда ҳам ҳозир айtilган муаммолар мавжуд.

Мавзунинг долзарблиги шуни кўрсатадики, таржимада лексик муаммоларининг назарий ва амалий масалаларига эътибор қаратилган. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг хорижий тилларидан ўзбек тилига ва, аксинча, ўзбек тилидан хорижий тилларига таржима қилишга қизиқиш анча ортди. Ҳукуратимиз профессионал ва юқори малакали таржимонлар тайёрлашга катта аҳамият бермоқда. Шу муносабат билан, юқори малакали таржимонлар тайёрлашда қандай назарий ва амалий муаммоларни ҳал қилишимиз лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Таржима инсон маънавий ҳаётини бойитади, она тилининг имкониятларини рўёбга чиқаради, уни сержило қилади. Шунинг учун ҳозирги пайда лингвистиканинг энг долзарб муаммоларидан бири таржимадир.

Магистрлик диссертацияси мавзусини танлар эканман ўз олдимга Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонини ўзбек тилидан бевосита ва билвосита инглиз тилига таржима қилиш ва ушбу достонни ҳар томонлама ўрганиб чиқиш, таҳлил қилиш, зарур ҳолларда маълум бир

хулоса келтириш, уларни амалиётга тадбиқ қилишдаги муаммоларни имкон қадар ечишни мақсад қилиб қўйдим.

Масаланинг долзарблиги яна шундаки таржима жараёнида ўзбек тилдаги тил birlikларни инглиз тилдаги тенг қийматли тил birlikларига алмаштириш ёки иккинчи тилдаги муқобил вариантни бериш зарур, акс ҳолда таржима ғализ чиқиши мумкин. Албатта таржимонлик амалиётидан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки ҳар бир таржимон бадиий асар моҳиятини ўзига хос тушунади ва шу йўсинда таржимани амалга оширади.

Тадқиқотнинг мақсади Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонининг ўзбек тилидан инглиз тилига таржимасида учрайдиган лексик муаммоларнинг фарқли жиҳатлари ҳамда ўзига хосликларини лексик таҳлил қилишдан иборат.

Ишнинг вазифалари: Юқорида келтирилган мақсадга асосланган ҳолда ушбу магистрлик диссертациянинг вазифалари қуйидагича белгиланди:

- А. Навоийнинг “Садди Искандарий” достонларининг яратилиш тарихи билан танишиб чиқиш;
- Таржиманинг ривожланиш босқичлари ва тарихий негизларини ўрганиб чиқиш;
- А.Навоийнинг “Садди Искандарий” достонини ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш орқали достон таржимасининг лексик таҳлилини олиб бориш;
- Достонлардаги баъзи образларни талқин қилиш;
- Достонлардаги воқеаларнинг Искандар образини очиб беришдаги ўрнини аниқлаш.

Мавзунинг амалий ва назарий аҳамияти. Танланган мавзунинг илмий хулосалардан, амалий натижасидан, таржима назарияси ва амалиёти курсини ўтишда, бадиий асарлар таржимаси фанидан ўқув қўлланма яратишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот объектлари. Тадқиқот объектлари қилиб, А.Навоийнинг “Садди Искандарий” достони, дostonдаги сўзларнинг инглиз ва ўзбекча тиллардаги маънолари ҳамда асарда қўлланилиши, ўзбек ва инглиз таржимонларининг ишлари, сўзлар олинди.

Тадқиқот ишининг синовдан ўтказилганлик даражаси. Магистрлик диссертацияси СамДЧТИ инглиз тили ўқитиш методикаси ва амалиёти кафедрасининг йиғилишида муҳокамага қўйилди ва ҳимояга тавсия этилди.

Тадқиқот мавзуси бўйича “Тилшуносликнинг назарий ва амалий масалалари” илмий мақолалар тўпламида **“Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонидаги айрим сўзларнинг ўзбек тилидан инглиз тилига таржимаси ҳақида”** номли ва “Замонавий тилшунослик ва лингводидактиканинг коммуникатив аспекти” Республика илмий амалий анжуманида **“Таржима жараёнлари, стратегиялари ва методлари”** номли мақолалар чоп этирилди.

Магистрлик диссертациясининг асосий хулосалари Самарқанд Давлат Чет тиллар институти инглиз тили факультетида инглиз тилини ўрганиш ва педагогик амалиётни ўташ жараёнида жорий этилган.

Ушбу магистрлик диссертацияси уч боб, кириш, асосий қисм ҳамда хулоса шунингдек ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Биринчи боб. Таржима назарияси ва унинг муаммолари хусусида

1.1. Таржима назарияси ва унинг ҳозирги кундаги ҳолати.

Таржима, унинг мақсади ва вазифалари, Таржима назарияси, унинг предмети. Таржима методлари.

Кейинги пайтларда юзага келаётган лингвистик тадқиқотларда таржима муаммоларига катта эътибор берилмоқда. Лингвистик таржимашунослик бўйича яратилаётган кўпчилик тадқиқотларда таржима назарияси ва амалиётининг жузъий масалалари билан бир қаторда мазкур соҳанинг моҳиятини ақс эттирадиган умумназарий муаммолар устида ҳам кенг кўламда бош қотирилмоқда. Бу ҳол лингвистик таржимашуносликнинг тадқиқотчилар эътиборини борган сари кўпроқ ўзига тортаётганлигидан далолат беради.

Таржимага лингвистик таржимашунослик нуқтаи назаридан ёндашиб, кўйидагича таъриф бериш мумкин.

Инсоният фаолиятининг мураккаб шакли бўлмиш таржима бир тилда яратилган нутқий ифодани (матнни), унинг шакл ва мазмун бирлигини сақлаган ҳолда, ўзга тил воситалари асосида қайта яратишдан иборат ижодий жараён дир. Демак, аслият мансуб бўлган тил воситалари ёрдамида яратилган нутқий ифода (матн) таржима тили қонуниятлари асосида вужудга келган шундай ифода билан алмаштирилади. Шу йул билан аслият ва таржима тиллари матнларининг мазмуний-услубий адекватлиги юзага келтирилади.

Мазкур таъриф тиллараро амалга ошириладиган жараёнга алоқадор бўлиб, инсоният фаолиятининг кўпроқ; қисми мазкур амалиёт билан боғлиқ дир. Шу туфайли «таржима» деганда аксарият кишилар кўз олдига, биринчи навбатда, бир тилдаги матнни иккинчи тилга ўгириш фаолияти намоён бўлади. Таржима инсоният фаолиятининг энг қадимий турларидан бири бўлиб, у туфайли биз инсоният тараққиёти тарихини барча тафсилотлари билан очиқ-ойдин тасаввур этамиз.

Таржима халқлар ўртасидаги дўстлик, қардошлик ва ҳамкорлик манфаатларига, улар ўртасидаги иқтисодий-сиёсий, илмий, маданий ва адабий алоқаларнинг кенгайишига хизмат қилувчи қудратли қуролдир.

Таржима турли халқлар адабиётларининг ўзаро алоқаси ва бир-бирига таъсири жараёнини тезлаштиради.

Таржимавий асарлар туфайли китобхонлар жаҳон адабиёти дурдоналаридан баҳраманд бўладилар, уларнинг эстетик туйғулари ошади, дидлари ўсади, уларда гўзал нарсалар ақида тушунчалар ҳосил бўлади.

Таржима тилларнинг камолоти учун зарурий восита сифатида, уларнинг ривожланиш суръатини жадаллаштиради, луғат бойлигини оширади ва такомиллаштиради.

Таржима инсон маънавий ҳаётини бойитади, она тилининг имкониятларини рўёбга чиқаради, уни сержило қилади.

Таржима туфайли китобхон тафаккури чархланиб, янги ғоялар, тушунчалар билан бойийди.

Таржима жамиятда янгича муносабатлар, қарашлар қарор топишига хизмат қилади. Таржима туфайли миллий адабиётлар ўртасидаги алоқаларнинг маҳсули сифатида янги ғоявий йўналишлар, янгича сюжет, жанр шаклланади. Таржима Ватан адабиётига янги образлар, бадиий-тасвирий воситалар ҳада этади. Бир сўз билан айтганда, таржима - аслиятни қайта яратиш, қайта талқин этиш санъатидир.

Аммо шуни ҳам назарда тутиш лозимки, мазкур жараён натижаси ҳам «таржима» истилоҳи ёрдамида ифода этади. Бунда аслиятининг ўгирмаси бўлмиш иккиламчи матн назарда тутилади.

Лисоний таржима хилма-хил турларга бўлинадики, бадиий адабиёт таржимаси улар орасида алоҳида ўрин тутаяди. Ўгирилаётган матннинг хусусияти бадиий таржиманинг ўзига хос ўрнини белгилайди. Бадиий адабиёт намуналари бошқа нутқий ифодалардан шуниси билан фарқ қиладикки, унда бадиий-эстетик ва поэтик жиҳатлар ҳукмронлик қиладик. Бундай асар турининг асосий вазифаси муайян эстетик таъсирчанликка

эришишдан, бадий образ яратишдан иборатдир. Айни эстетик йўналиш бадий нуткни ахборот тарқатиш вазифаси устун бошқа нутқий фаолиятлардан ажратиб туради. Шундай қилиб, ўгириладиган матнларни вазифаларига қараб «бадий» ва «нобадий» (ахборий) каби турларга бўлиш мумкин.

Модомики гап бадий нутқ таркибини ташкил этувчи алоҳида бирлик ва парчалар таржимаси ҳақида кетар экан, бадий таржиманинг бошқа таржима турларидан асосий фарқини таржимавий матннинг бадий қимматга эгаллиги билан изоҳлаш лозим. Ўзгача қилиб айтганда, «бадий таржима» деганда асосий вазифаси китобхонда аслиятдагидек бадий-эстетик таъсир уйғота оладиган нутқий ифода ҳосил қилишдан иборат таржима фаолияти турига айтилади.

Таржиманинг мақсади - хорижий тил лисоний воситалари ёрдамида яратилган матнни она тили материали асосида қайта яратишдан иборатдир. Бунинг учун таржимон, биринчи навбатда, асл нусхани тўла-тўқис идрок этиши, сўнгра уни ўз тилида бекамикўст қайта ифодалаши даркор.

Муаллиф яратган бадий-эстетик воқеликни тўлалигича идрок этиш учун таржимон кенг мушоҳада қувватига эга бўлгани ҳолда, бадий асар таркибидаги лисоний воситаларнинг мазмуний ва услубий-эстетик жиҳатларини тўғри англаши, шу билан бирга муаллиф назарда тутган бош ғояни, унинг ният ва мақсадларини, очиқ-ойдин кўзга ташланиб турган воқеа-ходисалар тасвиридан ташқари яна матн ортида турган воқеликни, бир сўз билан айтганда нафақат лисоний, балки ғайрилисоний омилларни ҳам тўла-тўқис тасаввур этиши зарур. Токи натижа шундай бўлсинки, аслият ўз китобхонига қандай бадий-эстетик завқ бахш этса, унинг таржимаси ҳам асарни аслиятда мутолаа қила олмайдиган китобхонга худди шундай таасурот инъом этсин.

Китобхон таржимада завқ-шавқ уйғота олмайдиган асарни муаллиф томонидан паст савияда битилган деб баҳолайди, яъни хом-хатала таржима китобхон тасаввурини чалғитади.

Таржиманинг вазифаси - аслият ва таржима тиллари лексик, грамматик ва стилистик ҳодисалари ўртасидаги уйғун ҳамда тафовутли жиҳатларни пухта ўзлаштириб олган ҳолда, аслиятнинг шакл ва мазмун бирлигини она тили воситалари ёрдамида қайта яратишдан иборатдир. Бу тамойилга риоя қилмаслик таржимада апиқликнинг тўла – тўқисликнинг, демакки, ифода меъёрининг бузилишига, харфхўрликнинг содир бўлишига олиб келади.

Асл нусха муаллифидан воқеликни тўғри акс эттириш талаб этилса, таржимондан асл нусхани беками – кўст талқин этиш талаб қилинади. Таржимада асл нусханинг шакл ва мазмун бирлигини, яхлитлигини бежирим ифода этиш учун таржима тилида муқобил ифода воситалари қидириб топиш зарурати туғилади. Бу жараён асл нусха мазмунини ўзга тилда ифода этишнинг қатор имкониятлари орасидан энг мақбулини танлаб олишни тақозо этади.

Асл нусха ва таржима тиллари лисоний имкониятлари одатда ўзаро уйғунлик ҳолатида бўлмаслиги, яъни икки тил сўз ва ибораларининг мазмуни билан эстетик қиймати қатор матний ҳолатларда бир-бирининг ўрнини қоплай олмаслиги талай таржимавий қийинчиликларни юзага келтиради. Бундай ҳолларда ифоданинг бадиий-эстетик қийматини қайта яратиш таржиманинг аслият матнига моддий жиҳатдан эмас, балки вазилавий монанд келишини тақозо этади.

Таржимавий муаммоларни ҳал қилиш таржимондан пухта филологик билим ва тегишли назарий тайёргарликни талаб қилади. Таржимон назарий билимни таржима амалиёти таҳлили асосида эҳтиёж туфайли вужудга келиб, кенг кўламда фаолият кўрсатаётган таржима назариясидан олади.

Таржима назариясининг вазифаси - асл нусха билан таржима ўртасидаги нисбат қонуниятларини кузатишдан, хусусий таржимавий ҳодисалардан ҳосил бўлган хулосаларни илмий далиллар асосида умумлаштиришдан, шу йўл билан таржима амалиётига таъсир ўтказиб, унинг сифатини яхшилашга кўмаклашишдан иборатдир.

Таржима амалиёти мақбул ифода воситаларини қидириб топиш йўли билан муайян таржима муаммоларини ҳал қилишда зарур андоза, қоида, далил ва исботларни таржима назариясидан олади.

Шундай қилиб, икки тил лисоний-услубий ҳодисаларини қиёслаш орқали асл нусханинг шакл ва мазмун бирлигини таржимада муқобил лисоний воситалар ёрдамида қайта яратиш йўл ва имкониятларини қидириб топиш ва шу асосда таржима амалиётининг сифат ўзгаришига олиб келадиган назарий умумлашмалар яратиш таржима назариясининг предметини белгилайди.

Мамлакатимизда таржима назарияси мустақил филологик соҳа сифатида асосан XX асрнинг 50-йилларидан эътиборан шакллана бошлаган бўлсада, таржима амалиёти бир неча минг йиллик тарихга эга. Бундан таржимачилик минг йиллар мобайнида назариясиз ривожланиб келган эканда, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак. Араб, форс, ҳинд, озарбайжон, турк ва рус тилларидан жуда кўп илмий, тарихий, сиёсий, диний, фалсафий, бадиий китобларни ўз тилларига ўгириб келган таржимонларимиз гарчи ёзилмаган, тартибга келтирилмаган, умумлаштирилмаган бўлсада, кўп асрлар мобайнида қабул қилинган, риоя этилган маълум таржимачилик ақидаларига, қоидаларига асосланиб иш кўрганлар.

Таржима назариясининг аҳамияти шундан иборатки, у айрим таржимонларнинг субъектив майлига, матн таржимасига «интуиция» нўли билан ёндашиб, ўзбошимчаларча иш кўришларига тўсиқ қўяди. Чунки "Таржима - бу илҳом, юксак истеъдод ва интуиция билан чуқур филологик билим, тинимсиз луғавий меҳнат ҳамда ўринли илмий шархнинг қоришмасидан иборат назарий-ижодий жараёнدير» . Зеро, ҳар қандай амалий фаолият сингари таржимачилик ҳам қонуниятлар жорий қилинишига ва назарий умумлашмалар яратилишига эҳтиёж сезади. Бундай қонуният ва умумлашмалар, ўз навбатида, кенгроқ миқёсдаги

хулосаларга олиб келгани ҳолда, уларни қатор таржимавий ҳодисаларга татбиқ этишга даъват этади.

Таржима одатда тарихий-маданий, адабиётшунослик, лисоний-услубий, руҳшунослик йўналишларида тадқиқ этилади. Аммо бу йўналишларнинг барчаси ё бевосита, ё билвосита мазкур соҳаларнинг бири – лисоний-услубий йўналишида ўз аксини топади, чунки таржима ҳамма вақт тил материаллари билан иш кўришни тақозо этадиган жараён дир. Бинобарин, таржима назариясида икки тил лингвистик-стилистик воситалари билан боғлиқ лисоний тадқиқ йўналиши алоҳида ўрин тутди. Демак, таржима амалиётини ҳатто адабиётшунослик йўналишида ўрганиш ҳам, аксарият ҳолларда, тил ҳодисаларини таҳлил қилиш орқали амалга оширилади.

Шундай қилиб, таржимавий умумлашмалар яратиш учун турли жуфт тиллар лисоний-услубий воситаларини қиёсий ўрганиш ҳамда бадиий матннинг эстетик ўзига хослигини ташкил этувчи унсурлар таркибида мужассамлашган семантик-услубий ва прагматик (шароитдан келиб чиқилдиган) хусусиятларни муайян қилиш услубий асосга таянишни тақозо этади. Зеро, шу нарса аёнки, тилнинг ҳар бир воситаси, айниқса бадиий асар тили воситалари бевосита ёки билвосита услубий вазифалар ифодаси учун хизмат қилади: ҳар бир тил ҳодисаси, баён этилган фикрнинг кўлаמידан қатъий назар, маълум даражада услубий бўёқ касб этиши мумкин. Тил воситаларининг бундай хусусияти таржима назариясини лингвотаржимавий тадқиқотлар учун асос бўлиб хизмат қилдиган қиёсий услубият билан яқинлаштиради.

Кейинги ўн йилликлар мобайнида барча мамлакатлардаги сингари бизнинг юртимизда ҳам таржимачилик фаолияти изчил ривожланиб келмоқда. Унга ҳамоханг тарзда таржималарнинг сифати ҳам аста-секин яхшиланмоқда. Бунга сезиларли туртки бераётган омиллардан бири таржима назариясининг сўнгги пайтларда жиддий равишда олдинга силжиб бораётганлигидадир.

Таржима назарияси ўз тадқиқотларини бошқа қатор анъанавий филологик, айниқса лингвистик тадқиқот методларидан ўрни билан фойдалангани ҳолда, кўпроқ қиёсий-солиштирма метод билан чамбарчас боғлиқликда қўлланиладиган семантик-услубий метод асосида олиб боради. Шу билан бирга аслият ва таржима тиллари лисоний воситаларини батафсил таҳлил қилиш зарурати лингвистик тадқиқотнинг бошқа айрим махсус методларидан ҳам, жумладан, компонентлар таҳлили методидан фойдаланишни тақозо этади. Бундай пайтда қиёсланаётган икки тил бирликларининг турли контекстларда қўшимча маъно ва маъно белгилари касб этиш ҳолатлари таҳлил этилади. Бир-бирларини тўлдиришга хизмат қиладиган мазкур методлар амалга оширилган таржималарни хар жихатдан пухта ва холис баҳолаш имкониятини беради.

Шундай қилиб, мамлакатимизда таржимачилик ҳозирги кунда ўз тарихига, ривожланиш хусусиятларига, анъаналарига, тадқиқот методларига ҳамда тамойилларига эга бўлган ижодий жараёнга айланиб қолди. Унинг назарий асослари тадқиқотчилар томонидан янада чуқурроқ ўрганилмоқда.

1.2. Таржиманинг лексик ва стилистик муаммолари.

Таржимада лексик бирликларни танлаш

Таржиманинг аслиятга шаклан ва мазмунан монанд тарзда яратилишининг бирдан-бир шarti таржимоннинг ўз тилида аслиймонанд лисоний воситалар танлаб истеъфода этишидадир. Бу масъулият унинг зиммасига аввало аслият маъно ва вазифасини беками-кўст идрок этиш, сўнгра хотирасида шаклланган фикрни ўз тили маданияти ва меъёри асосида тўла-тўқис ифода этиш вазифасини юклайди.

Тил воситалари бадиий нутқ таркибида нафақат ўзларининг моддий-мантиқий маъноларидан мавҳумлашиб, ҳиссий-таъсирчан ва бадиий-эстетик (образли) маъно ва маъно белгилари касб этганларида, балки оддий мулқот таркибида дастлабки - атов маъноларида қўлланилганларида

хам таржимон олдига зарурий лисоний воситаларни тўғри танлаш борасида қатор амалий мушкулотларни кўндаланг қилади.

Муайян тил воситалари маъноларини она тили бирликлари ёрдамида тушунтирадиган мавжуд икки тилли луғатлар, қанчалик кенг ва атрофлича тузилган бўлишларига қарамадан, нутқ жараёнида намоён бўладиган икки тил мувофиқларининг барчасини акс эттира олмайди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар қандай луғат ҳам бирликларнинг нутқ жараёнида намоён бўладиган қўшимча, тасодифий-матний маъно ва маъно белгиларининг барчасини ўзида мужассам этишга ожизлик қилади. Бундан ташқари, бирликларнинг айрим маъно ва маъно белгилари ўзларининг бир нечта-дан моддий ифодасига эга бўладиларки, уларнинг ҳаммасини жамғарган ҳолда луғатга киритиш амалий имконият доирасига сиғмайди. Шунинг учун энг тафсилотли тузилган деб тан олинган луғат ҳам муайян нутқий вазиятда тил соҳибмурожаат қилиши мумкин бўлган ифода воситасини башорат қила олмайди.

Луғатлар одатда нутқ амалиёти орқасидан қувиб ета олмайди. Уларда одатда тил тизимида ўз аксини топган имконий маънолар ўрин олган бўладики, айрим нутқий вазиятларда мазкур маъноларнинг бирортасидан ҳам фойдаланиб бўлмайди. Бинобарин, таржимоннинг вазифаси нафақат муайян лисоний воситанинг луғатга киритилган маъноларидан энг мақбулини, балки луғатда ўз аксини топмаган ёки топиб улгурмаган, бироқ ушбу нутқий вазият учун айтилган муддао бўлган маъносини матний таҳлил асосида муайян қилишдан иборатдир, Бундан ташқари, лисоний воситанинг айрим маъно ва маъно белгилари тилда қатор синонимик воситалар ёрдамида ифода этилган бўладики, уларнинг барчасини луғатда акс эттиришнинг имкони бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, мавжуд луғатлардан таржимон учун зарур бўлган барча ахборотни тўла-тўқис олиш амалий жиҳатдан мумкин эмас.

Шунга қарамай, луғатларда акс эттирилган тиллараро эквивалентлар барча нутқий вазиятларда лисоний воситанинг маъно ва вазифасини

муайян этишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Санъаткор лексик бирликларнинг луғатларда тасвирланган мувофиқ маънолари асосида таржима тилида уларнинг зарурий матний маъноларини ифода этадиган лисоний воситалар қидириб топади. Ваҳоланки, барча матний маънолар имконий воситалар си-фатида луғатдан ўрин олган асосий семантика атрофида у ёки бу даражада гуруҳлашган бўлади.

Тилнинг барча халқлари учун бирдай фикр алмашиш қуроли эканлиги аслият ва таржима тиллари бирликларининг қатор ҳолларда бир-бирларига луғавий мос келишларини тақозо этади-ки, таржимонлар бундай қулай имкониятдан одатда унумли фойдаланадилар, чунки луғавий мос бирликлар кўпинча бир хил вазиятлар тасвири учун қўлланиладиган доимий эквивалентлар ҳисобланганлари ҳолда, таржима жараёнида уларнинг бири иккинчиси орқали осон алмаштираверилади.

Аммо тилларнинг миллий хусусиятга эга эканликлари, уларнинг мустақил тараққиёт жараёнини босиб ўтишлари туфайли қатор ҳолларда аслиятда қўлланилган у ёки бу лисоний воситага таржима тилида муайян бир тил бирлиги эмас, балки бир нечта, қатор ҳолларда бир-бирларидан маъно белгилари, баъзан эса услубий вазифалари жиҳатидан фарқ қиладиган лисоний воситалар мос келади. Аниқроғи, асл нусхада акс этган муайян бир фикр таржима тилида бир неча имконий намуналар ёрдамида ифода этиладики, бу ҳол санъаткор олдига айна намуналарнинг, контекст талабидан келиб чиқиб, аслиятга энг мос келадиганини танлаш вазифасини кўяди.

Гоҳо муайян бир фикр ифодаси учун аслиятда қўлланилган лисоний воситанинг луғавий эквиваленти ёрдамида ўгирилиши натижасида ҳосил бўлган ифодани таржима тили меъёри, маданияти ҳазм қила олмайди. Бундай пайтда мазкур фикр ифодаси учун таржима тилида мутлақо ўзгача семантикага эга лисоний воситадан фойдаланиш зарурати юзага келади. Айна восита аслиятдаги бирлик сингари ўзининг моддий-мантиқий маъносида бўлиши ҳам, мажозий хусусиятга эга сўз ёки тилда барқарорлик

касб этган суз бирикмаси шаклида келиши ҳам мумкин. Ушбу ҳол ҳар қайси тил бирликларининг воқеликни ўзига хос тарзда ифода этишини кўрсатадики, бундай ҳолларда икки тил бирликлари орасидаги мувофиқлик матний хусусият касб этади.

Таржимашуносликда моддий-мантиқий маъно ифодаси учун фойдаланиладиган тил воситалари таржимаси ҳақида анчагина яхши фикр ва хулосалар майдонга келган бўлсада, уларнинг кўпроқ илмий-техникавий адабиётлар таржимаси далилларига асос-ланганлиги, бадиий асарлар таржималари мисолида бундай фикр ва мулохазаларнинг нисбатан камлиги, номуфассаллиги бадиий асарлар таркибида моддий-мантиқий маъно ифодаси учун қўлланиладиган бирликлар таржимаси ҳақида қисқача тўхталиш зарур-ратини туғдиради. Бу ҳақдаги фикрлар шунинг учун ҳам зарурки, илмий-техникавий адабиётлар таркибидаги лисоний воситалар асосан ахборот тариқасидаги хусусиятга эга бўлиб, таржима жараёнида улар кўпроқўзларининг доимий эквивалентлари билан алмаштирилсалар, бадиий асарлар таркибидаги лисоний воситалар моддий-мантиқий вазифалар ифодаси учун қўлланилсаларда, кўпроқ фикрнинг жонли, бадиий-тасвирий баёни учун хизмат қилганлари ҳолда, хилма-хил контекстларда турли-туман маъно белгилари, контекстуал маънолар касб этадиларки, бу ҳол таржимонлар олдида сўзсиз назарий умумлаштирилиши лозим бўлган қатор амалий қийинчиликларни кўндаланг қилиб қўяди. Мазкур масаланинг олимлар томонидан ҳали кониқарли даражада қаламга олинмаганлиги амалий мушғулотларни енгишнинг имконий йўлларини аниқлаш заруратини келтириб чиқаради.

Сўз бирикмаси, синтагма, жумла, абзац, боб ва бутун бошли асар қатори алоҳида лисоний восита, ҳатто гоҳо ёрдамчи сўз ҳам, гоҳо таржиманинг асосий бирлиги ҳисобланадики, асарнинг ғоявий-бадиий қийматини, оҳангини тиклаш, ундаги персонажлар нутқи тасвирини аслиймонанд қайта яратиш ҳар бир унсурнинг тўғри, муаллиф унга юклаган вазифага кўра таржима қилиниши билан чамбарчас боғлиқ бўлиб,

бу ҳол асар таржимасининг тўла қонли жаранглаши уни ташкил этадиган бемустасно барча таркибий қисмларининг адекват талқин этилишига вобаста эканлигидан келиб чиқади. Демак, таржиманинг беками-кўст жаранглашида асосий маънони ташувчи лексик birlikларнинггина эмас, балки предлоглар, боғловчилар, артиклар каби тиллар ёрдамчи воситаларининг ҳам тўғри идрок этилиши ва ижодий ўгирилиши муҳим аҳамият касб этади. Чунки асар таркибидаги ҳар бир унсур, катта кичиклигидан, асосий ёки ёрдамчилигидан қатъий назар, муайян маъно ва услубий вазифанинг юзага келишида маълум аҳамият касб этадики, унинг етарли даражада баҳоланмасдан таржимон эътиборидан четда қолиши ёки янглиш тушунилиши нафақат шу birlik маъно ва вазифасининг, балки бутун жумла мазмунининг, муаллиф назарда тутган фикрнинг нотўғри талқинига олиб келади. Масалан, инглизча «for» ва унинг русча луғавий эквивалента «ради» предлоглари барча луғатларда ўзбекчага «учун» тарзида берилган бўлиб, аксарият матний ҳолатларда уларнинг бири иккинчисини бемалол алмаштираверади. [10, б 6] Аммо «for» (ради) предлоги М. Твеннинг «Жанна Дарк» романида қўлланилган «Well, I will do it for you» (JA, 188) жумласи таркибида «учун» кўмакчисига хос «фойдаси йўлида» маъно белгисини акс эттирмасдан, «хурмати учун» каби кўшимча, луғатда акс этмаган маъно белгиси касб этадики, бу ерда «учун»дан фойдаланишнинг адекватликни таъминлай олмаслигига кўзи етган таржимон аслият маъносини аниқ ифодалай оладиган «юзи-хотири учун» бирикмасини танлайди:

Так и быть, сделаю это ради вас // У Ҳа, майли, сенинг юзихотиринг учун шундай қиламан.

Мазкур мисол таржимасида санъаткор предлогнинг луғатда акс этмаган, аммо аслиятда матний мужассамлашган маъно белгисини аниқлаб, уни ўзбек тили имконияти асосида тўғри тиклаган бўлса, куйидаги жумлалар таржимасида сўзларнинг ҳатто луғатларда келтирилган маъноларидан ҳам матний ҳолат талабига монандини танлаб

ишлата билмаслик муаллиф фикрининг нотўғри талқинига олиб келган.

Боғловчилар баъзан одатдаги моддий-манتيкий маъноларида қўлланилишдан ташқари, муайян услубий мақсадларнинг юзага келишида ҳам иштирок этадиларки, бундай ҳолларда ўзбекча таржималарда боғловчиларнинг кўпроқ моддий жиҳатдан аниқ ўгирилиши адекватликни юзага келтиради. Масалан, «His head and arms and shoulders ached» жумласи таркибида муаллиф «and» боғловчисини икки марта қўллаш йўли билан нафақат персонажнинг оғриётган тана аъзоларини санаб чиққан, балки услубий такрор приёмини ҳам юзага келтирганки, бу ҳол ифоданинг бадиий таъсир кучини оширган.

Таржиманинг стилистик муаммолари - Тил бирликларини тўғри танлаш йўли билан адекватликка эришиш масъулияти санъаткордан ҳар бир ифода, восита устида чуқур, мантикий фикр юритишни талаб этса-да, айрим таржимонлар фаолиятида бу талаб жиддий аҳамият касб этмайди.

Маълумки, ҳар бир тил луғат таркиби ўз ички имкониятларидан ташқари ўзга тиллар таъсирида ҳам бойиб, такомиллашиб боради. Ўзга тиллардан кириб келиб, тилнинг луғат таркибида мустаҳкам ўрнашиб олган сўзлар зарурий лисоний воситалар сифатида фикр алмашиш жараёни учун хизмат қила бошлайдилар. Аммо шу нарса эътиборталабки, кўпмаъноли лисоний бирликлар аксарият ҳолларда ўзга тиллардан иккинчи тилга эҳтиёж туғилган бир-икки маънолари билангина кириб келадилар. Шундай қилиб, аслият тилида кўпмаъноли сўз таржима тилида бир ёки икки маъноли бўлиб қолиши мумкин. [10, б 12] Шу боис улар аслиятда таржима тилига ўзлашмаган маъноларида қўлланилганда, таржима жараёнида транслитерация йўлига мурожаат қилиш ифода маъносининг китобхонга етмай қолишига олиб келиши мумкин.

Персонаж нутқи муаллиф баёнидан кўпроқ ўзининг эллиптик хусусиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Бундай пайтда назарда тутилган айрим сўзлар нутқдан тушириб қолдирилсада, матний ҳолат, нутқий вазият уларнинг маънолари фикр баёнида қатнашаётганлигидан

дарак бериб туради. Маъноларигина назарда тутилиб, ўзлари тушиб қолишлари лозим бўлган сўзларнинг нутқда иштирок этишлари эса, оғзаки нутқда хос тежамлилик тамойилини бузгани ҳолда, нутқни услубий ғализликка олиб келади. Таржима амалиётида гоҳо, аксинча, аслиятда фикрнинг меъерий ифодаси учун қўлланилган жумлани ҳеч бир асос ва ҳожатсиз тежамлилик тамойили қонуниятига бўйсундириш ҳоллари ҳам учраб турадики, бу аксарият назарда тutilган фикрнинг китобхонларга муфассал етиб боришига халал беради.

Хулоса қилиб айтганда, она тили бойлиги ва анъаналаридан унумли фойдаланган ҳолда, аслиятда қўлланилган лисоний бирликларга вазифавий мос воситалар танлаш ўрнига аслият ҳарфига ёпишиб олиб иш кўриш кўп ҳолларда таржима тили меъерининг бузилишига олиб келади.

1.3. Таржиманинг лингвокультурологик муаммолари.

Халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган лисоний воситалар хос сўзлар, дейилади. Муайян бир халқ, миллат ва элатга хос тушунча, нарса ва ходисаларни акс эттирадиган лисоний воситалар бадий асарнинг миллий хусусиятини белгилайдиган асосий воситалардан ҳисобланади. Демак, ҳар қандай бадий-ғоявий баркамол асар ўзида бирдай ҳам байналмилалликни, ҳам миллийликни мужассам этиши билан ажралиб туради. Байналмилаллик асарнинг мазмуни ва ғоясида, миллийлик эса унинг шаклида намоён бўлади. Бадий асарнинг шакли қатор жиҳатлари билан бирга унинг тилини, хусусан луғат таркибини ўз ичига олади: асарнинг миллий хусусияти асосан лексик ва фразеологик бирликлар ёрдамида яратилади.

Байналмилаллик билан бир қаторда миллийлик хусусиятини ҳам ўзида мужассам этган тилнинг луғат таркиби ўзи мансуб бўлган тил жамоасининг моддий-ижтимоий ҳаётини, чунончи, миллий урф-одат ва анъаналарини, географик тасаввурини, маънавияти ва дунёқарашини,

диний эътиқодини, ахлоқий меъёрларини, тафаккур йўналишини моддий акс эттиради.

Тиллар орасидаги тафовут эса одатда бир халқ моддий ҳаётида мавжуд муайян тушунчалар, воқеа-ҳодисалар, урф-одатларнинг иккинчи халқ турмуш тарзида учрамаслиги, шу туфайли улар номларининг ҳам айна халқ тилида табиий равишда йўқлиги билан изоҳланади. Бундан ташқари, луғавий эквивалентлик муносабатида бўлган айрим икки тил жуфтликлари бир-бирларидан бирор хусусиятлари билан ўзига хос равишда фарқ қилишлари мумкин. Бу ҳол тил бирликларининг миллий хусусиятини белгилаш бараварида уларнинг таржимада ўзаро алмашинувларига тўққинлик қилади.

Аслиятнинг ўзига хослиги асосан унинг таркибидаги лисоний воситаларнинг миллий хусусияти билан белгиланар экан, аслиятнинг бадиий-ғоявий заминини аслиймонанд тиклаш асарнинг миллий бўёғини қайта яратиш билан боғлиқдир. Шунинг учун ҳам таржимада миллий хусусиятни тиклаш масаласи кейинги пайтларда таржимонларнинг ҳам, таржимашуносларнинг ҳам эътиборини ўзига борган сари кўпроқ тортиб келмоқда. Чунки таржимавий нуқсонларнинг кўпчилиги миллий хусусиятни акс эттирадиган тил воситалари улушига тўғри келмоқда. Зеро, таржима амалиётида ҳанузгача йўл қўйиб келинаётган хато ва камчиликларнинг кўпчилиги таржимада миллий хусусиятни тиклаш билан боғлиқ бўлиб, бу масала ҳанузгача назарий жиҳатдан ҳам, амалий хусусдан ҳам қониқарли даражада ҳал қилинган эмас.

Илмий адабиётда халқлар турмуш тушунчаларини ифода этадиган лексик бирликларни қайси пайтларда таржима амалиётининг қандай синалган усуллари воситасида талқин этиш лозимлиги ҳақида ягона фикр учрамайди. Таржиманинг ижодий жараёнлиги туфайли, бундай фикрнинг учраши ҳам гоҳо амри маҳол. Бирок баён этилган илмий-танқидий фикр-мулоҳазалар таржимоннинг муайян ҳолатда қандай йўл тутиши лозимлиги ҳақидаги тасаввурини бойитади, унинг амалда йўл қўйилиши мумкин

бўлган турли-туман тасодикий тугунларни ечишига кўмаклашади, унда амалий машғулотларни мохирона енгиш малакаси ҳосил қилади.

Бундай, кишилар турмуш тушунчаларини англатадиган хос сўзларни таржимада адекват талқин этиш асл нусха миллий хусусиятини китобхонга тўла-тўқис етказиб беришдек мураккаб муаммонинг энг масъулиятли ва ўта мушкул масалаларидан хисобланади. Зеро, бундай ҳолда таржимон олдида ўз халқи учун нотаниш, бинобарин, номлари ҳам тилида мавжуд бўлмаган тушунча, нарса ва ҳодисаларни таржима тили соҳибларига тўла англатиш вазифаси кўндаланг бўлиб туради.

Халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган сўзлар шубҳасиз бадий ёдгорликнинг миллий буёғини, унинг ўзига хослигини ташкил этади. Асарнинг миллий фазилатини белгилайдиган яна шундай омиллар ҳам учраб турадики, улар халқнинг миллий-маданий руҳияти билан боғлиқ бўлади. Бундай хусусиятларнинг таржимада зътибордан соқит қилиниши прагматик адекватликнинг яралмай қолишига олиб келади.

Таржимонни халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган хос сўзлар маъно ва шаклларида кўра кўпроқ уларнинг муайян контекстларда ўтаб келадиган вазифаларини қайта яратиш масаласи машғул қилмоғи даркор. Бу санъаткорни асл нусхадаги хос сўзларни беасос таржима матнига кўчириш ёки мумкин бўлмаган тақдирда ҳам уларни таржима тилидаги хос сўзлар билан алмаштириб қўйиш хавфидан сақлаб қолади. Таржима амалиётига вазифавий уйғунлик нуқтаи назаридан ёндашиш аслиятдати бундай ифода воситаларининг ҳажм, вазн, миқдор, хислат, хусусият ва вазифа аниқлигини қайта яратади, шу билан бирга таржиманинг кенг китобхон оммасига яхши тушунарли бўлишига эришиш имкониятини беради.

Хос сўзларни она тилига ўгиришда аввало уларнинг муайян контекстларда ўтаб келаётган ахборий ва услубий вазифаларини аниқлаш, сўнгра таржима тилида уларга ҳар жиҳатдан мос, айна пайтда шу хил

меъёри ва маданияти даражасидаги лисоний воситалар танлаш зарурати туғилади.

Миллий тушунчаларни ифода этадиган хос сўзларнинг айримлари аслият мансуб бўлган тилдан ташқари яна қатор халқлар лафзларида учраши, жумладан таржима тили луғат захирасининг ҳам таркибий қисми ҳисобланиши мумкин.

Муайян халқ турмуш тушунчаларини англатадиган кўпчилик хос сўзларнинг маънолари ва ўтайдиган вазифалари мамлакатларнинг ўзаро маданий, маърифий, иқтисодий, сиёсий алоқалари натижасида қатор халқлар вакилларига, шу жумладан таржима тили соҳибларига ҳам таниш бўлиб қоладики, таржимонлар бундай сўзларга ўз тилларида муқобил лисоний воситалар қидириб юрмасдан, уларни транслитерация йўли билан талқин этаверадилар.

Транслитерация услидан фойдаланишнинг асосий сабаби аслиятда кўлланилган миллий хусусиятли лисоний воситаларнинг таржима тилида мавжуд бўлмаганлиги туфайли аслиятнинг миллий хусусиятини таржима тили соҳибларига хос хусусият билан алмаштириб қўйиш ёки таржимани умуман бундай хусусиятдан маҳрум этиш каби ҳолатларга йўл қўймасликдан иборатдир.

Шундай қилиб, транслитерация халқлар турмуш тушунчаларини акс эттирадиган хос сўзларни таржимада талқин этишнинг энг самарали усулларида бўлиб, унинг ёрдамида аслиятнинг миллий хусусияти сиқик ҳолда талқин этилади.

Таржима тилида гоҳо аслиятдаги лисоний воситалар маъноларига маълум даражада яқинроқ мазмунли бирликлар учрасада, улар ўзларининг шартли муқобилларидан ё хислат-хусусият ёки шакл-ҳажм-миқдор жиҳатларидан фарқланадиларки, бу тафовут уларнинг таржимада ўзаро алмашинувига йўл қўймайди.

Асосли транслитерация китобхон тасаввурини бойитади, унинг тили луғат захирасини кенгайтиради. Масалан, ўзбекча « рақсга тушмоқ» сўзи

Ўзининг биргина маъноси билан ўзбекча «to dance» бирикмасига мос эквивалент бўла олар эди. Унинг бошқа бир маъноси - эркак ва аёлнинг белу қўл ушлашиб даврада айланиши, бу усулда рақсга тушиш ўзбекларга хос бўлмагани туфайли, ўзбек тилида ўз эквивалентига эга эмас. Мазкур сўзни транслитерация усулида талқин этиш эса ўзбек тили луғат бойлигини кенгайтиради. Ҳозирги умумхалқ тили луғат таркибидан ўрин олган «танса қилмоқ.» бирикмаси азалдан ўзбекча «рақсга тушмоқ» бирикмаси билан синонимик қатор ҳосил қилгани ҳолда, омма тасаввурини бойитди.

Шундай қилиб, таржима амалиётининг транслитерация усули миллий тиллар бойишига кенг йўл очгани ҳолда, уларнинг фикр баён қилиш имкониятини оширади, адекват, шу билан бирга аслият миллий бўёғини китобхон кўз олдида айнан жонлантирадиган ифодалар вужудга келтиради.

Ҳозирги кунда ўзбек тили жаҳоннинг бой ва қудратли тилларидан бирига айланган экан, уни бу даражага етказган омиллардан бири луғат таркибидаги кўпчилик ўзга халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган лисоний воситаларнинг транслитерация усули билан қабул қилиниб, тилнинг ҳар қандай нозик фикрни ҳам ифода эта олиш лаёқатини ошириб юборганлигидадир.

Аммо баъзан транслитерация усули айрим таржимонлар томонидан суиистеъмол қилинади. Улар миллий бўёқдан холи бўлиб, таржима тилида ўзларининг маъно ва вазифалари жиҳатларидан уйғун эквивалентларига эга бўлган лисоний воситаларни ҳам мазкур усул ёрдамида талқин этадиларки, бу хол китобхоннинг баён қилинган фикрни англашини мушкуллаштиради. Масалан, ўзбек тилидан русчага ўгирилган қатор асарлар таржимасида «раис», «хаммом», «ака», «ука», «ёр», каби кўпчилик миллийликдан холи сўзларнинг миллий хусусиятли ҳисобланиб, бетаржима қолдирилиши таржимонларнинг миллий хусусиятни ўзгача тасаввур этишларидан дарак беради.

Ўз-ўзидан маълумки, муайян халқ турмуш тарзини ифода этадиган сўзларгина бундай тушунчаларга эга бўлмаган халқлар тилларига бетаржима аслиятдаги шаклида ўтказилади, шу тарика таржимада муаллиф матнининг миллий буюғи адекват талқин этилади. Масалан, «тахмон», «хуржун», «палов», «кетмон», «паранжи», «супа» каби ўзбеклар турмуш тарзигагина хос ифода воситаларини бундай тушунчаларни англатадиган лисоний бирликларга эга бўлмаган инглиз ва рус халқлари тилларига қилинган ўгирмаларида бетаржима айнан келтириш аслиятнинг миллий хусусиятини сақлаб қолиш билан бирга, таржима тиллари луғат таркиби кенгайтиши учун замин яратиш имкониятини беради.

Шарқ ғазалиёти мафтуни бўлмиш буюк олмон шоири Гёте ўз тилига нафақат «ғазал» сўзини транслитерация воситасида олиб кирди, балки шу жанрда ўзи ҳам ижод қилди ва бошқа ватандошларини ҳам бунга даъват этди.

Вазифавий уйғунлик хақида гап кетар экан, шуни қайд қилиш лозимки, асарларида Шарқ ҳаётини тасвирлаётган айрим ўзга миллат ёзувчилари ҳам ўз тилларида мавжуд қатор лисоний воситалар ўрнига, эҳтиёж сезилмаса-да, уларнинг луғавий эквивалентлари бўлмиш шарқона сўз ва сўз бирикмаларини қўллайдилар. Бу сўзлар, ҳамма вақт ҳам муаллифлар истагига бўйсуниб, шарқона буюқни яратавермайди, чунки улар кўпинча ҳеч қандай кўшимча мазмун ёки миллий буюқ касб этмасдан, ўзлари мансуб бўлган тилларнинг ахборий вазифали, шу билан бирга бошқа тилда ўз луғавий эквивалентларига эга бўлган воситалари ҳисобланади.

Иккинчи боб. Таржима жараёни стратегиялари, методлари ва ундаги лексик муаммолар (А.Навоийнинг “Садди Искандарий” асари асосида)

2.1. Алишер Навоий “Садди Искандарий” достонининг яратилиш тарихи ҳақида

Кўпгина салафлари сингари Алишер Навоий ҳам ҳамсачилик анъанасини давом эттирди. Ҳазрат Навоийнинг бошқа ҳамсанавислардан фарқли жиҳати шундаки, у ўз “Хамса” сини туркий тилда яратди.

Низомиддин Мир Алишер Навоийнинг Искандар Зулқарнайн тарихига бағишланган “Садди Искандарий” достони “Хамса” нинг якунловчи бешинчи достони сифатида яратилган. У ҳам ўз салафлари Низомий, Деҳлавий ва устози Жомий каби олдиға тарихий достон яратишни вазифа қилиб қўймаган эди. Шоир учун Искандар тарихий лашкарбоши эмас, балки идеал ҳоким, саркарда, ҳақиқат изловчи олим, табиат, жаҳондаги баҳру бар (хўллик ва қуруқлик) тадқиқотчиси. Достонни китобхон қўлланма сифатида қабул қилиши ҳам лозим бўлган ўғитлар тўплами ҳам дейиш мумкин. Низомий, Деҳлавий, Жомий ва Навоийлар ўз “Искандарнома” ларини ёзар эканлар, давр талаби ва ўз дунёқарашларидан келиб чиққан ҳолда у ёки бу масалани ҳал қиладилар. Шунинг учун Македония лашкарбошисининг номи Навоий асарларида Искандар, Скандар шаклида юзлаб маротаба тилға олинади.

“Садди Искандарий” Навоий достонлари ичида энг йириги ҳисобланади. Достон 89 бобдан иборат бўлиб, 7215 байтни ташкил этади. “Хирадномайи Искандарий” эса 2315 байт, демак, Навоийнинг достони Жомийникиға қараганда 3 баравар каттадир. “Садди Искандарий” “Хирадномайи Искандарий”дан бир неча ой олдин ёзиб тугалланган.

Достон муқаддимаси 14 бобни ўз ичига олади. Асар муқаддимасида “Хирадномайи Искандарий” сингари назарий қисм ва ҳикоятлар мавжуд эмас.

“Садди Искандарий” нинг муқаддимавий қисмига худо ҳамди, муножот, пайғамбарга наът, меърож ва мадх, шунингдек, анъанавий парчалар сирасига фахрия, сўз таърифи, китоб назмининг сабаби, фарзандга насиҳат ва шоирнинг муайян мақсадга йўналтирилган таълимий, ахлоқий - фалсафий боблар ҳам киради.

Ҳамд – бу Оллоҳнинг ва унга хос хусусиятларнинг таърифи бўлиб, шу билан бирга Парвардигорнинг биру борлигига иймон келтиришнинг ёрқин намунаси. Бунақанги тузилма мумтоз даври адабиётида барча асарларга хосдир.

Достоннинг 1-бобини ҳамд қисми ташкил этади. Ҳамд - Оллоҳнинг сифатларига бағишланган. Навоий ушбу бобда тасаввуф таълимоти асосида оламнинг яратилиш тарихига тўхталиб ўтади. Яратганнинг буюклигига ҳамд-у сано айтади. Буларнинг барчасидан мақсад энг олий зот - Одамни яратиш эканини таъкидлайди.

*Карам бирла халқ айлағай оламе,
Бу оламда мақсуд анга одаме.
Ғараз одаме анга олам туфайл,
Неким ғайри оламдур , ул ҳам туфайл.*

Иккинчи боби муножотни ўз ичига олади ва бунда Навоий Оллоҳга мурожаат қилиб, қилган гуноҳларига афв ҳамда асарни ёзишга нажот сўрайди.

Достоннинг учинчи боби Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) мадҳига бағишланади. Анъанага мувофиқ, наътдан сўнг меърож туни таърифи келади.

*Фалак аҳли ичра алоло тушуб,
Малак хайлига шўру ғавго тушуб.
Малоик тутуб йўл бошин жавқ- жавқ,
Тамошосида борча кўнглида шавқ.*

Бешинчи бобида “Ҳамса”нинг такмили хусусида бўлиб, Навоий бу бобда унда “Ҳамса” ёзиш ҳаваси анча олдин , Низомий ва Дехлавий

“Хамса” ларини ўқиб юрган чоғларидаёқ уйғонганини баён қилиб, улуғ устозлари руҳидан мадад сўрайди:

*Бу водий аро Хизр роҳим бўлинг,
Қаён юз кетурсам, паноҳим бўлинг.
Бурундун чу кўргуздунгуз ёрлиқ,
Басе етти сиздан мададкорлиқ.
Кичик ерканимдан бўлиб қошима,
Улуғ муддао солдингиз бошима.*

Достоннинг олтинчи боби сўз таърифи, Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Дехлавий мадҳини ўз ичига олади. Еттинчи боби Нуриддин Абдурахмон Жомий мадҳига бағишланади. Шу тарика ҳар бир боб маълум мавзуга бағишланган.

Достоннинг асосий қисми 15 - бобдан бошланади. Асосий қисм ўзига хос композицияга эга. Уни шартли равишда қуйидаги тўрт қисмга бўлиш мумкин:

1. Искандар воқеаси-Искандар ҳаёти билан боғлиқ бирор воқеа ёки ҳодиса баёни
2. Назарий масала- муайян ахлоқий муаммонинг таърифи
3. Ҳикоят - шу ахлоқий масала доир ҳикоят
4. Ҳикмат - Арасту ва Искандарнинг суҳбати

Достоннинг 15 - бобида Искандар тарихига оид маълумотлар келтирилган.

Эронда тўрта сулола: пешдодийлар, каёнийлар, ашконийлар, сосонийларнинг подшолари ҳукмронлик қилган.

Юқорида тўрт сулоланинг иккинчисидан сўнг, яъни, каёнийлардан сўнг Искандар майдонга чиқди. Каёнийларнинг сўнгги вакили шоҳ Доро эди. Бу пайтда Руму Русда Файлақус деган одам ҳукмдор эди.

Навоий ҳам достон ёзиш учун барча тарих китобларини ўқиб охири Жомийдан маслаҳат сўрайди.

Искандар топди малик Файлақус,

Ясаб мулкин андоқки зебо арус.

Демак, Навоий вайронада топилган бола ҳақидаги афсона тарафдори бўлган.

Навоийнинг масалага бундай ёндашишнинг сабаби олдинги ақидаларга кўра фақат шох, олий табақадан шахсларгина юксак инсоний хусусиятларига эга бўладилар деган тушунчага барҳам бериш бўлган.

Навоий онгли равишда, атайлаб ана шу фикрга зид ўларок, энг олий жаноб инсон, одил инсонпарвар, халқпарвар шох, буюк тadbиркор лашкарбоши, олим –файласуф ҳаким ва набийлик даражасига кўтарилган Искандар тарбиясининг тасвирини бериб, Нақумоҳис (Арастунинг отаси) устоз сифатида уни тарбиялаганини айтади. Файлақус вафот этиш олдидан ўғлини валиаҳд этиб қолдиради:

Анга тож ила тахт тушмай қабул

Бу андешадин беҳад ерди малул.

Навоийнинг асосий вазифаси мамлакат, халқни идора этувчи, унинг масъулиятини устига олган одам қандай бўлиши кераклигини кўрсатиш эди. Шоир Искандар тимсоли орқали босқинчилик сиёсати, жаҳонгирликнинг беъмани иш эканини кўрсатмоқчи бўлди.

Навоий Искандари ер юзи ва сув ости сирларини ўрганиб, олим-файласуфлар таълимини олгач, аввал авлиё, кейин набийликка еришади, лекин бу соҳада ҳеч қандай фаолият кўрсатмайди. Достон охирида Навоий Искандар ҳақида:

Билиб халқ шоҳи музаффар ани,

Ҳакиму валию пайгамбар ани.

-дейди.

Навоийнинг асосий мақсади пайғамбарларнинг тенглашиб бўлмас тимсолини яратиш эмас, балки реал ҳоким ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда қандай хайрли ишлар қилиши, ижтимоий фойдали вазифаларни бажариши мумкинлигини кўрсатиш эди.

2.2. Таржима жараёни, стратегиялари ва методлари

Таржима, ёзма ёки оғзаки тил матни манбасини кўчиришда, ёзма ёки оғзаки тил матни объектини тенглаштиришда ўзига хос тарзда ишлатилган. Умуман олганда, таржиманинг мақсади шуки, у ҳар ҳил турдаги матнларни, шу жумладан диний, адабий, илмий ва фалсафий матнларни бошқа бир тилга қайта узатиб беришдир ва шу орқали ўқувчиларни доирасини кенгайтиришдир. Ўзига хос маданий тушунчаларни бутунлай, шаъмаларни эса қисман таржима қилиш таржимоннинг энг муҳим ва даъват қиладиган васифасидир, бошқача айтганда, ишоралар таржиманинг яширин муаммоларидир, чунки ишоралар ўзига хос қўшимча бир маънога, асосий тил ва чет эл маданиятида эса яширин маънога эгадир, аммо ўзимизнинг тил ва маданиятимизда бу нарсага муҳтожлик сезилмайди.

Агар тил умумий ва универсал тушунчалар жамламасига тасниф бўла олганида эди у ҳолда асосий тилдан йўналтирилган тилга таржима қилиш биз учун осон кечарди. Қолаверса, ушбу шароитда керакли тилни ўрганиш жараёни одатдагидан кўра анча енгил бўларди. Бу борада Куллер тиллар муайян бир соҳага оид терминлар мажмуи эмас деб таъкидлайди ва бир тилни маъноси бошқа бир тилдан кескин равишда фарқ қилишига ишонади, бинобарин, ҳар бир тил дунёни ўзида ўзгача ташкиллаштириб, ўзгача ифода этади, шунингдек, тиллар категорияларни номламасдан, балки уларни ўзлари таърифлайдилар[9, б 21]. Куллернинг фикрларини хулоса қилиб айтадиган бўлсак, таржиманинг энг долзарб муаммоларидан бири бу тиллар орасидаги тенгсизликдир. Асосий тил билан йўналтирилган тилни орасидаги ўрталик қанча катта бўлса, биринчи тилдан иккинчи тилга маънони кўчириш шунча қийин бўлади.

Нюмарк таржима методи билан таржима жараёни орасидаги фарқни қуйидагича таърифлайди: таржима методлари бутун бир матнга боғланса, таржима жараёнлари эса ўз навбатида гаплар ва ундан кичикроқ тил

бирликлари учун ишлатилади.[9, б 81]. У қуйидаги таржима методларига таянади:

1.Сўзма-сўз таржима: (Word-by-word translation) Бу методда асосий тил сўз тартиби ўз ҳолича қолади, сўзлар ёки иборалар эса уларнинг умумий маъносига кўра, грамматикага эътибор бермаган ҳолда алоҳида таржима қилинади.

2.Аниқ таржима: (Literal translation) Мазкур таржимада асосий тил грамматик қурилмалари энг яқин йўналтирилган тил маънодошларига кўчирилади. Лексик сўзлар эса бу ҳолатда ҳам матндан ҳоли равишда алоҳида таржима қилинади. Аниқ таржима илмий, техник, технологик ёки расмий матнларнинг техник таржимасини ўз ичига олади.

3.Асл таржима: (Faithful translation) Бу таржима асл тилнинг аниқ бир контекст маъноси ва шу билан йўналтирилган тилнинг грамматик тузилиши чекланишларини ҳосил қилишга ҳаракат қилади. Бу методда таржимон, муаллифнинг матндаги мақсадини бошқа тилга имкон қадар аслига мос қилиб кўчиришга ҳаракат қилади.

4.Семантик таржима: (Semantic translation) Бу метод “асл таржима” методидан кескин фарқ қилади, яъни бунда кўпроқ асосий тил матнининг естетик қиймати эътиборга молекдир. Семантик таржима - таржиманинг марказий муносабати, ибора ёки гапни маъносини кўчириши кераклигини кўрсатади. (бунда, жумла ўзгариши ёки асл ҳолича қолиши, таржимон кўрсатмоқчи бўлган мувозанатга боғлиқ)

5.Мослашув: (Adaptation) Таржиманинг энг чекланмаган шакли бу мослашув методидир. У асосан пессалар (комедиялар) ва шеърятда кенг ишлатилади; мавзулар, образлар, ғоялар сақланади, асосий тил маданияти йўналтирилган тил маданиятига кўчади ва матн қайта ёзилади.

6. Чекланмаган таржима: (Free translation) Мазкур метод асосий тилнинг услуби, шакли ёки мундарижасисиз йўналтирилган тил матнини ҳосил қилишга қаратилган. Чекланмаган таржимада асосан таржимонга

асосий тилдан йўналтирилган тилга таржима қилишда кўпроқ ифода эркинлиги берилади.

7. Идиоматик таржима: (Idiomatic translation) Бунда таржима асл манба тилидан замонавий тил ифодасига олиб келинади.

8. Сўзлашув таржимаси: (Communicative translation) Ушбу методда асосий тилнинг аниқ контекст маъноси шундай йўл билан узатиладики, бунда мазмун ҳам тил ҳам ўқувчиларга тайёр ва мукамал ҳолда узатилади. [5, б 45-47]

Таржима жараёни энг муҳим нарсаларнинг бири эканлигини эслатиб ўтишга мажбурмиз. Таржима жараёни қуйидагиларни ўз ичига олади:

1. Ўзлаштирма (borrowings) – Ўзлаштирмалар таржима ичидаги энг содда метод ҳисобланади. У, асосий тилдан олинган сўз ёки ифодани йўналтирилган тилда ишлатилишига йўналтирилади. Ўзлаштирмаларнинг таржима жараёнида учрайдиган қуйидаги учта тури мавжуддир:

а)Соф кўчирма (Pure loanword) шакл ва маънода ўзгариш бўлмаган ўзлаштирмалар.

Масалан: email → email, internet → интернет

б)Аралаш кўчирма (Mixed loanword) шакли озгариб, маъноси ўзгармаган ўзлаштирмалар.

Масалан: zone → зона-ҳудуд, compensation → компенсация

в)Кўчирма сўзлар (Loan blends) Бунга терминни бир қисми туб сўз, иккинчиси эса ўзлаштирма сўздан ясалган, маъноси эса бутунлай ўзлаштирилган ўзлаштирмалар киради.

Масалан: internet provider → интернет таъминотчиси

2.Аниқ таржима: (Literal translation)

Аниқ таржима деб асосий тил матнининг йўналтирилган тил матнига тўғридан тўғри кўчирилишидир. Асосан, аниқ таржима бу икки томонлама ва ўзгача бекам-кўст ноёб ечимдир. Инглиз тилидаги “Honey moon” сўз бирикмаси ўзбек тилига “Асал оyi” деб таржима қилинишини мисол қилиб олишимиз мумкин.

3. Қайта гуруҳлаш (Transposition)

Қайта гуруҳлаш сўзнинг бир синфини, гапнинг маъносини ўзгартирмаган ҳолда иккинчи бир синф сўзи билан алмаштириш билан шуғулланади. Бу метод шунингдек, асосий тилдан йўналтирилган тилга таржима қилишда учрайдиган грамматик ўзгаришларни ўзгартиришга жалб қилади (бирлик сондан кўплика, сифатларнинг жойлашувини, маълум бир синфга тааллуқли сўз ёки сўз туркумларни ўзгартириши). Масалан: инглиз тилидаги “Keyword” кўшма оти, ўзбек тилига “Калит сўз” ибораси бўлиб таржима қилинади.

4. Тусланиш (Modulation)

Бу метод бизга бир ҳил феноменни (кўринишни) ҳар ҳил йўл билан ифода этиш имконини беради. Тусланиш, таржима жараёни сифатида, перспектив ҳамроҳликдаги ўзгаришлар билан йўналтирилган тилдаги лексик (луғавий) ўзгаришлар ўзгарганда ҳосил бўлади. Тусланишнинг икки тури мавжуд, яъни, 1. Эркин тусланиш; 2. Белгиланган тусланиш; Масалан, “У урушда ҳалок бўлди” жумласи инглиз тилига “ He was killed in the war ” деб таржима қилинади. “Рад қаршилиқ” (Negated contrary) деган ўзгача тушунча ҳам мавжуд, бу, манба қиймати шаклини ўзгартиришда бўлишсиздан бўлишлига, бўлишлидан бўлишсизга таржима қилишга чамбарчас суянадиган жараёндир, бу ҳам белгиланган тусланиш ҳисобланади. Масалан, “бу нарса қиммат” жумласи “бу нарса арзон эмас” деб таржима қилинади.

5. Маънодош (Equivalent)

Бу термин тилларни бир ҳил ҳолатни ҳар ҳил стилистик ёки бўлмаса структуравий маъноларни тасвирлаш ҳолатида ишлатилади. Масалан, инглиз тилидаги “ Ouch!” ундов сўзи ўзбек тилига “Ааай” ёки “Аҳҳ” деб таржима қилинади. Шунингдек, инглиз “Don’t cry over spilt milk” идиомаси ўзбек тилига “Ўтган ишга саловат” ёки “Don’t count your chickens before the eggs have hatched” ибораси ўзбек тилига “Жўжани кузда санаймиз” деб таржима қилинади.

6. Мослашув (Adaptation)

Адаптацида таржимон мазмун билан манба матн шаклини ўзгартириш йўли устида шундай ишлайди у ўша тил қоидаларига, шунингдек йўналтириладиган тил маданиятига мос келишини таъминлайди. Умуман олганда, бу жараён таржимада маданий боғлиқ бўлган сўзлар/ифодалар, киноялар ва тасвирлар учун ишлатилади. Маданий алмашинув шундай ҳолатга мурожаат етадики бунда таржимон йўналтирилган тилда маънодош сўзларни қандай ишлаца асосий тилде ҳам айнан шу жараён кузатилади. Бошқача айтганда, таржимон йўналтирилган тилдаги маданий сўзларни, асосий тилдаги маданий сўзлар билан алмаштиради. Масалан: “She is innocent as an “egg”–“У фариштадек бегуноҳ”.

Таржимонлар ишораларни уларни англаувчи кўшимча маънони таниш ва англаш мақсадида ҳар ҳил стратегияларни қабул қилишди. Агар ёш таржимон муайян бир матнни ишораларга етарлича эътибор бермай тасвирласа, у ҳолда яширин маънолар тўлалигича кўчирилмайди, бу эса ўз навбатида таржимонни уларни тушунишда муваффақиятсизликка олиб келади. Йўналтирилган тил ўқувчиларининг кўпчилиги эса бу маънони умуман тушунмай қолади, натижада эса, таржима самарали чиқмайди. Муносиб таржимон асосий тилда яратилган кучли таассуротларни, йўналтирилган тил ўқувчилар учун ҳам худди ана шундай (камида ўхшатиш орқали) етқазиб бериши керак. Умуман олганда, таржимон матнни таржима қилиш жараёнида қийинчиликларга дуч келса, у ҳар ҳил стратегияларни қўллайди; бу дегани, агар таржимон муайян бир матнни сўзма-сўз, аслига мос қилиб таржима қиладиган бўлса, у ҳолда таржима стратегиялари умуман керак бўлмайди. Берген стратегияларни аниқ ва аҳамиятсиз бўлмайди дея таъкидлайди. Ҳаваскор таржимонлар матнни сўзма-сўз ва луғат ишлатган ҳолда таржима қилишига қарамай, таржима бобида улар таржима зўр қилинди деб ўйлашсаларда улар таржимада муаммо ҳали ҳам борлигини ва маълум бир даражада таржимага

Ўзгартириш киритилиши кераклигини тушунишмайдилар. Шундай экан, стратегия функциясининг энг муҳим жиҳати бу муаммони ечишдир.

2.3.Таржимада асл тил миллийлигини сақлаб қолиш муаммоси.

Ҳар бир бадиий ёдгорлик муайян бир даврда содир бўлган воқеа-ходисаларни тасвирлайди. Шунга кўра, тарихий мавзуда битилган асар ҳозирги замон китобхонини халқ ҳаётининг тарихи билан таништиради. Табиийки, бундай асар давр эҳтиёжига мувофиқ тарзда ҳад ҳисобсиз тарихий ва архаик лисоний воситалар билан тўлиб-тошган бўладикки, улар китобхон кўз олдида давр руҳини, нафасини жонлантириш билан бирга асарнинг бадиий эстетик таъсирчанлигини ҳам оширади.

Аслият руҳини бекаму кўст қайта яратиш масъулияти таржимон олдига тил воситаларини аслиймонанд истифода этиш йўли билан асар яратилган давр руҳини ҳаққоний талқин этиш вазифасини қўяди.

Аслият яратилган давр таржима амалга оширилган пайтдан одатда маълум даражада фарқ қилади. Шунинг учун ҳам аслият руҳини тўлатўкис қайта яратиш масъулияти таржимондан зарурий лисоний воситаларни тўғри танлаш йўли билан аслият вужудга келган давр хусусиятини қайта яратишни талаб этади. Аслиятнинг «архаик» хусусияти таржимада замонавий суз ва иборалардан муқобил воситалар сифатида фойдаланиш имкониятини бермайди. Шу билан бирга таржима амалга оширилган давр китобхонга яқин, тушунарли бўлиши лозим. Чунки таржимон асарни ўз даври китобхони мутолааси учун ўтиради.

Бирор бир матнни бир тилдан ўзга бир тилга таржима қилиш жараёнида албатта муайян бир қийинчиликларга дуч келишимиз табиий. Чунки бадиий таржима эстетик ҳамда маънодорлик жиҳатдан қиймати бошқа таржималардан ажралиб туради. Таржиманинг эстетик вазифаси сўзларни чиройли, мажозий, образли ҳамда метафоралар в.ҳ.лардан фойдаланган ҳолда ифодаланишидир. Шунингдек, таржимон бир сўзни маълум бир тилга таржима қилаётганда ўзининг маҳоратини ишга солиши лозим.

Албатта, бадий таржима ниҳоятда қийин санъат. Агар таржимон ҳақиқий сўз устаси бўлмаса, унинг таржимасида нуқсонлар учраб туради. Сабаби агар озгина бўлса ҳам, сўзни нотўғри ёки бўлмаса, бошқа бир синонимини ишлатиш ҳолати содир бўладиган бўлса, у ҳолда маъно ўзгариши рўй бериб, ёзилган ёки айтилган фикрнинг ҳақиқий маъносини ўқувчи англай олмайди.

Биз шу ўринда, “Ҳамса” асарининг энг сўнгги достони “*Садди Искандарий*” достонидаги баъзи сўзларни ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилишдаги айрим тавсиялар ҳақида фикр юритмоқчимиз. “*Садди Искандарий*” достонини номланиши ўзбек тилидаги таржимаси “*Искандар девори*” деб таржима қилинади. Бу дoston номининг инглиз тилига таржимаси “*The wall of Alexander Great*” [17, б 26], “*The iron gates of Alexander the Great*” ёки “*The Gates of Alexander*” ҳам дейиш мақсадга мувофиқ [21, б 71]. Чунки кўп манбааларда шу ҳол тан олинган. Яъни у ерда таъкидланишича, афсонавий Искандар девори буюк Александр Македонский томонидан жанубий ўлкаларда яшовчи кишиларни Яъжуж ва Маъжужлардан ҳимоя қилиш учун қурдирилган. Шу ўринда Яъжуж ва Маъжужларга тўхталиб ўтамиз. Зеро, бу каби реаллийлар таржима учун муҳимдир.

Яъжуж ва маъжуж охирзамонда дунёнинг шарқий томонидан ер юзига чиқувчи ва ер юзида бузғунчилик қилувчи махлуқлардир. Қуръони Каримнинг “Каҳф” ва “Анбиё” сураларида бу ҳақда оятлар келган. Аллоҳ таоло “Каҳф” сурасида: “Улар: “Эй, Зулқарнайн, албатта, Яъжуж ва Маъжуж ер юзида бузғунчилик қилувчилардир. Биз сенга хароҷ берсак, биз билан уларнинг орасида тўсиқ қилиб берурмисан?” – дедилар”, деган (94-оят). Демак Яъжуж ва маъжужлар бузғунчи ҳамда инсон ҳаётига хавф солувчи махлуқлар бўлиб уларнинг ер юзида пайдо бўлиши охирзамоннинг белгиларидан биридир. Яъжуж ва маъжуж инглиз тилига “*Gog and Magog*” деб таржима қилинади. Яъжуж ва маъжужларнинг инглиз тилига нима учун бундай таржима қилинади, улар инглиз тилига

кайси тилдан қачон кириб келгани, хуллас, уларнинг этимологияси ҳалигача ноаниқлигича қолмоқда.

Баъзан Искандар Зулқарнайн билан Александр Македонскийнинг номларини чалкаштириш ҳолатлари кўп учрайди. Александр Македонскийнинг асл подшоҳлик исми Македония қироли Александр III бўлиб, Александр номи билан танилган ва уни шарқда Искандар деб аташган. Юнонистонлик Филипп II нинг ўғли Александр Македонский, яъни Искандар тарихий шахс ва унинг инглизча номланиши “*Alexander the Great*” деб таржима қилиниши мақсадга мувофиқ. Искандар Зулқарнайн номи билан бошқа тарихий шахс номи таржималарда фарқланмай қолган. Искандар Зулқарнайн ҳақида Қуръони Каримда ҳам таъкидланган. Бу ҳақда Аллома Ибн Касирнинг “Тафсир”ида қуйидагилар келтирилган: “Азрақий ва бошқалар айтишади: Қуръони Каримда номи келтирилган Зулқарнайн Иброҳим алайҳи салом даврларида яшаган ва у киши билан Байтуллоҳни тавоф қилган.

А.Македонскийнинг Искандар Зулқарнайн деб аталишига баъзи сабабларни келтиришимиз мумкин. “Зулқарнайн” арабча сўздан олинган бўлиб, “*Икки шох эгаси*”, “*Қўша шохли эр*” деган маъноларни англатади. Зулқарнайннинг инглизча талқини эса “*Dhul Qarnayni*” бўлади. “*Dhul Qarnayni*”, яъни “Икки шох эгаси” дейилишига сабаб римлик лашкарбошиларнинг икки шохли темир дубулғасидан келиб чиққан бўлиши ҳам мумкин.

Зулқарнайн ҳақида Қуръони Каримнинг “Каҳф” сурасида шундай дейилган: Аллоҳ таоло Зулқарнайнга подшоҳлик, молу-давлат, ақл-идрок берган. Қолаверса, унга ер юзини обод қилиш, бинокорлик ва давлат ишларини адолат билан юргизиш таълими берилган. Ва яна, у ҳақида Абу Туфайл Али розийаллоҳу анҳу шундай деган экан: “Зулқарнайн дейилишига сабаб унинг машриқ ва мағрибга етгани, яъни қуёш чиқиш ва ботиш томондаги ўлкаларни забт этганидир.

Рум шохи “*Файлақус*” – “Садди Искандарий” достонида келтирилган Рум шохи *Файлақуснинг* инглиз тилида номланиши *Филип II*. Бу тарихий шахс юнонистонлик Искандарнинг отаси бўлиб, у милоддан аввалги 382–336 йилларда яшаган ҳамда милоддан аввалги 359 йилдан то умрининг охирига қадар, яъни 336 йилга қадар Македония қироллигини бошқарган. Айни вақтда Рум давлатини инглиз тилига таржима қилганимизда – “*Macedonian kingdom*” деб таржима қилиш мақсадга мувофиқдир.

Нақумоҳис – Бу шахснинг инглиз тилидаги исми *Leonidas*. Бу инсон Искандарга ёшлигидан бошлаб тарбия бериб, унга кўп илмларни ўргатган. Бундан ташқари, *Нақумоҳис*, яъни *Leonidas* Искандарга жанг санъатидан сабоқ берган.

Арасту – Бу инсон исмининг инглиз тилидаги таржимаси *Aristotle* бўлиб, буюк юнон файласуфи Платоннинг шогирди бўлган. Аристотел Македон ҳукмдори Файлақуснинг таклифи билан шахзода Александрга устозлик қилган ва унинг эришган ютуқларида унинг хизматларининг катталигини алоҳида эътироф этиш лозим.

Балинос - Бу инсон ҳам Искандар Зулқарнайга содиқ амалдорларидан бири бўлиб, ниҳоятда оқил ва доно инсон бўлган ва ҳар доим Искандарнинг ёнида бўлган. Бу инсоннинг исми ҳозирги кунда инглиз тилида номланиши биров муоммоли бўлиб келмоқда. Сабаби Александр Македонскийга Арастудан кейин иккинчи устози сифатида *Lysimachus* тан олинади. Александрнинг бу устози ҳам Арасту сингари доимо шохни ўзининг ақлли фикрлари билан қўллаб келган. “Садди Искандарий” достонида номи келтирилган *Балинос* ҳам худди *Lysimachus* сингари таърифланган. Шунга асосланиб айтадиган бўлсак, *Балинос* билан *Lysimachus* бир киши бўлган бўлса ажаб эмас.

Доро III - Форсларнинг энг қудратли шоҳларидан бири бўлиб, бу ном инглиз тилига *Darius III* деб таржима қилинади. Доро III милоддан аввалги 380-330 йилларда яшаган, унинг ҳақиқий исми Арташат, яъни *Artashata* бўлиб, у *Доро (Darius III)* деган номни ўзининг сулоласига янги ном

сифатида қабул қилади ва ўзини ва авлодларининг шу ном билан аталишини истайди, Дорони қадимги греклар *Кодаману (Codomannus)* деб аташган.

Фаранг мулки – бў сўзнинг маъноси Француз ерлари деган маънони беради ва бў сўзнинг инглиз тилига таржима қилганимизда *The land of French* деган маънони беради, лекин бу ерда бир нарсага аҳамият беришимиз керак. Яъни ўша пайтдаги Француз ерлари билан ҳозирги ўрни географик жиҳатдан ҳам албатта бироз фарқ қилиши мумкин.

Қрим ўлкаси – ушбу ўлка номини асл маъноси *бўлак* деган маънони англатади. Қрим ўлкаси ўша пайтдаги Боспор қироллиги таркибига кирган. Ушбу қироллик ҳудуди Қора денгиз бўйлаб ёйилган. Ушбу ўлка номини инглиз тилига таржима қилганимизда *The Crimea* бўлади.

Андалус – сўзи босқинчи деган маънони англатади. Ушбу сўзнинг келиб чиқиши немис қабилаларидан бири *вандаллар* номи билан боғлиқ. Улар Испаниянинг жанубий қисмини босиб олгандан сўнг у ерни Вандалусия деб атайдилар. Араблар ўша жойни босиб олгач, уни Андалусия деб атайдилар. Демак, *Андалус* сўзи *Немис* деган маънони беради. Инглиз тилга таржима қилганимизда *German* деган сўзга тўғри келади.

Ажам – Бу сўз араб тилдан олинган бўлиб, араб бўлмаган, яъни бегона деган маънони беради. Бў сўз араблар томонидан асосан форсийларга нисбатан қўлланилган. Бў сўзнинг инглиз тилидаги таржимаси ҳам худди араб тилидаги сингари *Ajam* деб юритилади

Кишвар – кишвар сўзининг маъноси ўзбек тилида *жой, ўлка, мамлакат* деган маъноларни беради. Бў сўзнинг инглиз тилига таржима қилганимизда *Place, country, location* деган маъноларни беради. Мисол: «Ҳинд кишварида ғаройиблар кўп». There are a lot of marvels in India. [3, б 376]

Рой – Бу сўзнинг ўзбек тилига таржима қилганимизда *рожа*, яъни *шахзода* деган маънони беради. Буни инглиз тилга таржима қилганимизда

Prince деган маънони беради. Мисол: «Ҳинд Ройи Искандардан қолишини сўради.» The prince of India asked Alexander to stay.

Тўра – ҳужум қилиш учун мўлжалланган ва тўрт томони ўралган харбий курилма бўлиб бў сўзнинг инглиз тилига таржимасини бир сўз билан ифодалаб бўлмайди. Шунинг учун *Тўра* сўзининг инглиз тилидаги таржимасини *special military construction to attack* деб олишни маъқул топдик.

Бир сўз билан айтганда, таржимада шундай лисоний воситалардан фойдаланиш керакки, ҳосил бўлган матн китобхонга яхши тушунарли бўлсин ва шу билан бирга асар яратилган давр унинг кўз олдида жонланиб турсин. Бунинг маъноси шуки, таржимада тилнинг архаик ва тарихий қатламларига мурожаат қилишда суиистеъмолликка йўл қўймасдан, улардан китобхонда асар яратилган давр тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш мумкин бўлган даражада фойдаланиш зарур. Чунончи, тарихий воқеа ҳодисалар тасвирига бағишланган асарлар таркибида қўлланилган халқлар тарихий-миллий турмуши тушунчаларини акс эттиради билан таржима тили учун ёт шаклларни ҳосил қиладилар. Бу ҳол ифоданинг ғайритабиий жаранглашига, ҳатто кўп ҳолларда муаллиф кўзда тутган фикрнинг китобхонларга етиб бормай қолишига олиб келади. Чунки ҳар бир бирлик ўзининг меъёр сифатида қабул қилинган шаклида муайян маъно ва услубий вазифаси ифодалаш учун қўлланилади.

Муайян бир нарсани аташда халқлар асосан шу нарсанинг ҳар хил хусусиятларига асосланар эканлар, бу жараёнга ҳар қайси халқнинг мустақил равишда ёндашиши туфайли нарса номи турли тилларда турлича семантикали сўзлардан ташкил топган бўладики, таржима жараёнида айни жиҳатнинг ҳисобга олинишигина фикрнинг меъёрий баёнини таъмин этади.

Аслият тилининг ўзига хос нутқий белгиларини таржима тилидаги муқобил воситалар билан алмаштирмасдан, уларнинг вазифаларини сўзма-сўз таржима ёрдамида қайта тиклашга уриниш асосан ҳеч қандай самара

бермайди. Чунки мазкур бирликлар назарда тутилган вазифаларни ўз шакл ва лексик таркиблари воситасидагина ўтай олганлари ҳолда, айти омиллари ўзга тилларда зарурий услубий самара ярата олмайди.

Ўзлари мансуб бўлган халқлар тарихи, ҳар хил афсоналари, урф-одатлари, диний, сиёсий ва эстетик қарашлари асосида пайдо бўлган миллий хусусиятли бирликларни мазкур асослар заминида пайдо бўлган эквивалентларга эга бўлмаган тилларга моддий жиҳатдан аниқ таржима қилиш ижобий натижа бермайди: бирлик асосида ётган изоҳ таржима тили вакилларига тушунарли бўлмаганлиги сабабли, ҳосил бўлган бирикма аслият маъносини китобхонларга етказиб беришга ожизлик қилади.

Тилларнинг мустақил тарихий тараққиёт жараёнини бошларидан кечиришлари муайян маъно ва услубий вазифалар ифодаси учун қўлланиладиган турли тиллар фразеологик бирликларининг кўп ҳолларда турлича лексик таркиблардан иборат бўлиб қолишларига сабаб бўлар экан, бундай бирликларни бир тилдан иккинчи тилга мавжуд муқобил вариантлари ёрдамида ўгирмасдан, моддий жиҳатдан аниқ таржима қилиш камдан-кам ижобий натижага олиб келади, чунки ҳосил бўлган бирикмаларнинг мантиқий-тарихий асосдан холи бўлишлари уларнинг назарда тутилган маъно ва вазифаларни тил меъёри йўл қўядиган даражада акс эттиришларига монелик қилади.

Грамматик меъёрлар ва таржима Нутқ маданиятининг муҳим омилларида бири нутқнинг грамматик жиҳатдан пухта ва тўғри бўлишидир. Бу ҳол, биринчи навбатда, тилнинг адабий, шу жумладан, грамматик меъёрларини пухта ўзлаштириб олиб, нутқ қурилишининг грамматик шаклларини тўғри туза билишни талаб этади.

Грамматик меъёрларга риоя қилиш, аввало, жумла шаклларини яхши билиш ва улардан моҳирона фойдаланишни, сўнгра жумладаги ўзак, негиз ва қўшимчалар ўрталаридаги муносабатларнинг тўғри бўлишини, эга ва кесимнинг ўзаро мослигини, иккинчи даражали бўлақлар хусусиятларига

яхши эътибор берилишини ҳамда сўз тартибининг қоидага мувофиқ бўлишини талаб этади.

Таржима тили жумла қурилиши қоидаларига риоя қилмасдан, аслият тили таъсирига берилиб, матн таркибига она тили меъёри даражасида бўлмаган ифода воситаларини киритиш ҳам таржима сифатини тушириб юборади.

Тиниш белгилари жумлаларнинг тўғри тузилиши ва улардаги фикрнинг аниқ ифодаланиши учун хизмат қилар экан, уларнинг фикр мақсадига мувофиқ қўйилиши ҳам муайян матндаги фикрни ёзувчи баён этганидек тушуниш имкониятини беради.

Ҳар бир тилнинг ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги аслиятда фойдаланилган грамматик шаклларни таржима тилига кўр-кўрона кучиришни эмас, балки улар воситасида ифода этилган фикрларни муқобил шакллар ёрдамида вазифавий қайта тиклашни тақозо этади. Таржима амалиётига шу нуқтаи назардан ёндашилгандагина таржима тилида аслиятдаги грамматик шаклларга мос қурилишли воситаларнинг йўқлиги ўз аҳамиятини йўқотади. Бинобарин, икки тил шаклларининг ўхшашлиги таржимада расмий хусусият касб этади.

Тил маданиятига риоя қиладиган, диди баланд бадиий ижод соҳиблари юксак савияли асарлар ва таржималар яратиб, адабий тилдан саводли фойдаланишнинг ажойиб намуналарини намойиш қилмоқдалар. Аммо қатор аслият, айниқса таржимавий асарлар тилини кузатиш айрим қаламкашларнинг адабий тил имконият ва меъёрларидан баъзи ҳолларда унумли ва ўринли фойдалана олмаётганликларини кўрсатмоқда. Улар фақат лексик ва услубий чалкашлик ва ғализликларгагина эмас, балки тилнинг грамматик қонун-қоидаларига амал қилишда ҳам кўпгина хатоликларга йўл қўймоқдаларки, бу камчиликлар нутқнинг қонуний табиий жарангдорлигини бузишдан ташқари, маънонинг нотўғри, баъзан мутлақо қарама-қарши ҳолда, талқин этилишига ҳам сабаб бўлмода.

Сонларнинг асосий хусусиятларидан бири шундан иборатки, улар саналадиган отларгагина бирикиб, миқдор тушунчасини англатиб келадилар. Саналмайдиган отларнинг миқдор тушунчасини акс эттирмасликлари туфайли уларга сонлар бирикмайди, балки сонлар айна отларнинг ҳажм ва вазнини билдирувчи сўзларга қўшилиб ишлатилади (бир юмалоқ, совун, икки асмишка чой, уч қадоқ мой, тўрт шиша ёғ).

Таржима жараёнида жумла таркибидаги сўзларнинг ўзаро муносабатга киришиш ва мослашиш ҳолатларини ҳам ҳисобга олиш зарур. Кўпинча жумла таркибига маънони кучайтирувчи ёки ўзгартирувчи битта сўзнинг киритилиши маъно ташувчи компонентларнинг грамматик шакллари ўзгартиришни талаб этади.

Гап феъл (гап таркибида - кесим) замонлари ҳақида кетадиган бўлса, ҳар қайси замон бир нечтадан шаклга эга бўлиб, бу шакллар ишҳаракатнинг турли хил хусусиятда намоён бўлишини кўрсатади. Бинобарин, бир хил хусусиятли ҳаракатнинг (агар жумла таркибида бирдан ортиқ кесимлар мавжуд бўлса) ҳар хил шакллар воситасида берилиши нафақат аслиятдаги жумлада мужассамлашган ҳаракат хусусиятининг ноадекват талқинига, балки таржима тили учун нотабий ифоданинг юзага келишига ҳам олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, таржиманинг грамматик жиҳатдан етук, умумхалқ тили маданий ва меъёрий қонун-қоидалари асосида яратилган бўлишида аслият ва таржима тилларининг ўзларига хос грамматик хусусиятларини яхши ўзлаштириб олган, ҳар қайси тил грамматик шакл ва меъёрларини пухта билган ҳолда, биринчи ўринга грамматик ҳодисаларнинг шакллари эмас, балки вазифаларини ижодий тиклаш вазифасини қўйиш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки таржимада аслиятда мужассамлашган фикр таржима тили воситалари ёрдамида қайта яратилади. Таржиманинг адекват жаранглаши асосий ғоявий-бадий мазмунни очувчи лексик-стилистик воситалар вазифаларининг ижодий тикланишигагина эмас, балки хилма-хил грамматик ҳолатларнинг ҳам нутқ

маданияти доирасида талқин этилишига, жумладан, тиниш белгиларининг фикр мақсадига мувофиқ қўйилишига ҳамда қўшимчаларнинг жонли нутқда ишлатилиш меъёрларига қатъий риоя қилган ҳолда ишлатилишига ҳам боғлиқдир. Таржимон ўз амалий фаолиятида дуч келадиган барча грамматик ҳолатларнинг хусусият ва шакллари, жумла таркибидаги сўзларнинг ўзаро муносабатга киришиш ва мослашиш ҳолатларини пухта билиши зарур, акс ҳолда, тилнинг грамматик ҳамда мантиқий меъёрлари йўл қўя олмайдиган ифодалар вужудга келиб қолиши мумкин.

Инкор боғловчиси иштирокида тузилган жумлаларнинг адабий тил меъёрига тўғри келиш-келмасликларини аниқлаш илмий мушоҳада асосида иш қўришни ҳам талаб қилади. Чунки айрим таржимонларнинг «на... на» боғловчисининг инкорни англатиш хусусиятини ҳис этмасдан ёки, ҳис этган тақдирда ҳам, таржима қилинаётган жумлалар таъсирига берилиб кетиб, ўзбек тили меъёри кўтара олмайдиган қўш инкорли жумлалар ҳосил қилиб қўйишлари туфайли, таржима амалиёти мисоллари ҳамма вақт ҳам нутқ маданияти меъёри ҳазм даражасида бўлавермайди. Бинобарин, таржима амалиётининг ўзигагина суяниб таржимавий умумлашмалар яшаш илмий асосдан ҳоли хулосаларга олиб келиши мумкин.

2.4. Алишер Навоий асарлари тилида лексик ва грамматик меъёрларнинг белгиланиши

Алишер Навоий форс-тожик сўз санъаткорлари билан ижодий мусобақалашди. Бу мусобақада катта муваффақиятларга эришиб, ўзбек тилининг лексик ва грамматик бойликларини намойиш этди.

Навоий “Мезонул авзон” асарида шундай ёзади: “...Ажам шуароси ва фурс фусақоси ҳар қайси услубдаким, сўз арусига жилва ва намойиш бериб эрдилар, турк тили била қалам сурдум ва ҳар нечук қоидаким, маъни абкориға зийнат ва оройиш кўргузиб эрдилар, чиғатой лафзи билан рақам урдум”.

Навоий ўз асарларида ўзбек тилининг лексик бойликларидан синонимлари ва омонимларидан, халқ мақол ва маталларидан, фразеологик, идиоматик бирикмаларидан, жумла тузилишидан кенг фойдаланди.

Ўз асарларида ўзбек тилининг лексик бойлигидан ижодий фойдаланган Навоий унинг форс-тожик тилидан бой эканлигини алоҳида таъкидлайди.

Навоий ўзбек тилидаги синонимлардан усталик билан фойдаланди. Ўзбек тилида турли маъно нозикликларини ифодаловчи синонимик жуфтларига эга бўлган феъллардан юзтасини “Муҳокамат-ул луғатайн”да санаб ўтади: “Бу юз лафздурки, ғариб макосид адосида таъйин килибдурларки, ҳеч қайси учун сорт тилида лафз ясамайдурлар”. [20, б 178]

Навоий бу 100 та феълнинг ҳар бири ўзбек тилида ўз синонимларига эга дейди ва уларнинг ҳар биридан фойдаланади. Масалан, Навоий бирор-бир суюқликни ичиш ҳаракатини кўрсатувчи **ичмоқ** феълининг сыпқармоқ, тамшымоқ каби синонимларини келтиради.

Сақийа, тут бадаким, бир лаҳза Өзумдин барай,
Шарт буким, ҳар нечә, тутсанг лаба-лаб **сыпқарай**.
Сақий чу ичиб, менгә тутар қош,
Тамшый-тамшый аны қылай нош.

Навоий йығламақ сўзининг **йыгламсынмақ, бохсамақ, ингрәмәк, сингрәмәк, сықтамақ, Өкирмәк, иничқирмәк, ҳай-ҳай йыгламақ** каби синонимларини самарали қўллаган.

Истәсәм давр аҳлыдын ишқынгни пинҳан әйләмәк,
Кечәләр гаҳ **ингрәмәкдур** адатым, гаҳ **сингрәмәк**.
Ул айки, кулә-кулә қырағлатды мени,
Йығлатды мени демәйки, **сықтатты** мени.

Навоийнинг юқоридаги мисраларидан синонимларнинг поэтик устунлиги, стилистик бўёқдорлиги ва поэзиядаги роли аниқ кўриниб

туради. Булар тилдаги синонимларнинг ролини яхши тушуниб етганлигини кўрсатади.

Навоий ўзбек тилининг омонимларига ҳам ижобий қарайди. У омонимларнинг полисемантик ва поэтик хусусиятларини очар экан, уларни она тилнинг бойликларидан бири, деб ҳисоблайди. Навоий ўзбек тили омонимларга бойлигини ва улар орқали шоирлар гўзал туюқлар яратганликларини таъкидлайди.

Шоирнинг ўзи ҳам омонимлардан фойдаланиб, яхши сўз ўйинлари ясаган: *туш* -туш (ярим кун, томон), *йан* (ёнмоқ, ён-боши, қайт), *йақ* (ёқмоқ, томон, ёғ) каби.

Навоий бу омонимлардан фойдаланиш билан бирга сўзнинг функционал семантик тараққиётини ҳам кўрсатди.

Навоий ўз асарларида фақат омоним, синоним сўзларни эмас, балки форс тилида бўлмаган ва туркий тилда бўлиб, истеъмол қилинмаган сўзлардан фойдаланди ва уларни адабий норма сифатида ўзлаштирди. Масалан: *чўқур*, *қабак* (қовоқ), *менг*, *илдириш* (яшин), чакын (яшин) каби.

Навоий лексик нормаларни белгилашда турмушнинг турли соҳаларига тегишли бир қанча туркий сўзларни ўз асарларига сингдирди. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Озиқ-овқат номлари: *қаймақ*, *қатлама*, *буламық*, *қурут*, *улаба*, *манту*, *қуймақ*, *Өркәмәч*, *қымыз*, *сузма*, *боза*, *татмач*, *умач* кабилар.

2. Чорвачиликка оид сўзлар: *тубучақ*, *арғумоқ*, *йақа*, *йабу*, *тажжу*, *тай*, *ғунан*, *дунан*, *тулан*, *чырға*, *ланға*, *жабилдир*, *хана*, *тоқум*, *чилвир* кабилар.

3. Кийим-бош номлари: *дастар*, *қалпақ*, *наврузи*, *топпы*, *шырдақ*, *жәләк*, *дәклә*, *қур*, *терлик* кабилар.

4. Ов ҳайвонлари номлари: *кийик*, *тонғуз*, *хуна*, *қылпақчы*, *суйкун*, *буғу*, *марал*, *оҳу*, *гавазы*, *хук*, *ғураз* кабилар.

Навоий ўзбек тилининг ўзига хос лексик хусусиятларини кўрсатар экан, ўз навбатида, у форс тили лексик бойликларидан ҳам баҳраманд

бўлди. У ўзбек тилининг лексик нормаларини белгилашда араб, форс-тожик тили сўзларидан ҳам унумли фойдаланди.

Айрим тушунчаларни ифодалашда бошқа тилдан сўз олиш зарур ва шарт деб билди. Чунки арабча, форс-тожикча сўзларни кўпроқ ишлатишни ўша давр адабий жанр ва услуби ҳам талаб қилар эди. Шунинг учун ҳам Навоий асарлари лексикасида арабча ва форс-тожикча сўзлар кўпчиликни ташкил қилади. Масалан: *авд* (кайтиш), *адам* (йўқлик) *асрар* (сирлар) *байга* (оқ), *барқ* (яшин), *вахбат* (бирлик), *даъб* (одат), *кавқаб* (юлдуз), *лахн* (ашула), *мужриб* (созанда), *саҳаб* (булут) каби арабча сўзлар; *тар* (ип), *тифл* (гўдак), *саст* (товуш), *равзана* (дарча), *пайкар* (гавда), *айин* (тартиб), *ниҳан* (яширин), *майкада* (майхона) каби.

Навоий кўтаринки туйғуни ифодалашда поэтик лексикага мурожаат қилган. Бундай лексикага Навоийдан олдин ва ундан кейинги шоирлар асарларида ҳам учрайдиган сўзларни киритиш мумкин: *багир* (жигар), *битиг* (хат), битимэк (ёзмок), *бурна* (илгари), *дубдурун* (оёқ товуши), *йавутмақ* (яқинлаштирмак), *йалин* (шуъла), илик (қўл), *ирик* (катта), *итик* (ўткир), *итмэк* -(йўқ бўлмок), *туз* (тўғри) каби.

Бундан ташқари Навоий романтик тасвирни беришда мифологик ва қадимги номлардан ҳам фойдаланган: *Барахман*, *Дажла*, *Жайхун*, *Жамшид*, *Жойбар*, *Зухал* (Сатурн), *Зухра* (Венера), *Наҳид* (Муштарий), *Дабир* (Юпитер), *Зал*, *Маний*, *Хатами Тай* каби.

Навоий фақат лексик нормаларнигина эмас, балки грамматик, нормаларни белгилашда ҳам самарали иш қилди. Ўз асарларида грамматик формаларнинг ихчамлигига ва сўз яшаш техникасига масъулият билан қаради. Ихчам грамматик формалар орқали янги сўзлар ҳосил қилишга, янги маъно ифодалашга алоҳида эътибор берди.

Навоий сўзларнинг ва грамматик формаларнинг ясалиши ва ишлатилишига, уларнинг поэтик бўёқдорлиги ҳамда нозиклик-ларига алоҳида эътибор билан қаради. Масалан, ҳаракатни бажаришга интилиш, тайёрланиш каби маъноларни ифодалаш учун **-ғу/-гу** аффиксли

сифатдошга **-дек** кўшилиши билан ҳосил бўлувчи формадан унумли фойдаланди: *барғудек, билгудек, айтқудек, урғудек, сорғудек* каби.

Навоий асарларида **-ғач/-гэч** аффиксли равишдош формаси кетма-кетлик ҳамда узлуксизликни билдиришда қўлланган: *айлағач, йетгкэч* каби. Ҳозирги тилда бу форма пайт маъносини ҳам ифодалайди. Шоир поэтик нутқнинг бадиий бўёқдорлигини оширишда бундай грамматик воситалардан унумли фойдаланди.

Навоий асарларида **-чы/-чи** касб-ҳунар оти, лавозим номи, овчиликка доир терминлар яшашда иштирок этган: *кушчы, барсчы, қорықчы, қорчы, сувчы, йуртчы, хазиначы, шыланчы, ахтачы, ғазчы, турначы, кийикчи* каби.

Навоий асарларида **-чы/-чи** аффиксининг функциясида ҳозир архаиклашган **-вул** аффикси унумли ишлатилган: *йакавул* (йўл бошловчи), *киптавул* (кўрғон қоровули), *бакавул, қаравул, йасавул, чингавул* каби. **-вул** аффикси воситасида асосан лавозим билан боғлиқ бўлган сўзлар ясалган.

Навоий асарларидаги **-л** билан ясалувчи *қабал, ясал, тутқал* каби сўзлар ҳозирги ўзбек тили учун хос эмас.

Навоий ўз асарларида дунёвий мотивларни акс эттирар экан, давр билан боғлиқ бўлган баъзи архаик лексик элементлар ва грамматик формаларни қўллайди. Архаик элементлар - архаизмлар поэтик нутққа дабдабали тус бериш, экспрессивликни ошириш учун хизмат қилади.

Навоий асарларида шу давр учун архаиклашган бир қатор грамматик формалар учрайди. Масалан, **-ғу/-гу** аффиксли сифатдош (*барғу, келгу*), **-ынч/-инч** аффикси билан ҳосил бўлувчи тартиб сонлар (*иккинч, учунч, алтынч*) кабилар шулар жумласидандир.

Навоий асарларида бир-қанча лексик архаизмлар ҳам учрайди: Масалан, **қамуқ** (ҳамма). Бу сўз Ўрхун-Енисей ёдгорликларида, “Қутадғу билиг”да, Маҳмуд Кошғарий луғатида, “Қисаси Рабғўзий”да, “Наҳжул фародис” ва “Муҳаббатнома”да ҳам учрайди.

Арыг (тоза). Бу сўз Махмуд Кошғарийда *арыг*, “Хисрав ва Ширин” ва “Муҳаббатнома”да *арыг* ва *ары* формасида ишлатилган.

Уган (худо), *Өқуш* (кўп), *Өксук* (кам), *қайу* (қайси), *битиг* (ёзув, хат). Бу сўзлар ҳам юқоридаги асарлар тилида ва Навоийда учрайди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкини-ки, умуман, Навоий эски ўзбек адабий тилининг лексик ва грамматик хусусиятларини нормалаштирар экан, у бу тилнинг бадиий асарлар яратиш учун кенг имкониятларга эга эканини исбот қилиш, ўзбек ёзувчиларини ўз она тилида ижод этишга даъват этади.

Учинчи боб. А.Навоийнинг “Садди Искандарий” асарининг ўзбек тилидан инглиз тилига таржимаси ҳақида

3.1. “Садди Искандарий” дostonининг ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш жараёнида учрайдиган қийинчиликлар

Таржима – бу матн билан боғлиқ лингвистик жараён, таржима назарияси ҳам лисоний таҳлилга асосланган фандир. Ўзбек тилшунос олими, профессор Ғайбулла Саломов бу хил қарашларга ўз муносабатини аниқ билдириб: “Айрим олимларимиз таржима назарияси билан шуғулланишнинг ҳожати йўқ, негаки таржима — соф амалий иш деб ҳисоблайдилар. Ҳолбуки, бир тилдан иккинчи тилга таржима қилиш кўпгина назарий масалаларни чуқур ўрганишни талаб қиладиган ғоят мураккаб бир ишдир,” деб ёзганди.

“Таржима — оригинални ғоявий ва бадий ақс эттириш формасидир. У ўқувчига оригинални мумкин қадар тўла ва чуқур билиш имкониятини бера оладиган бўлиши керак. Ўқувчи таржимани ўқиб, оригинал ҳақида тарихий жиҳатдан тўғри тасаввурга эга бўла олсин. Бунинг учун таржимада асарнинг умумий мазмуни ва умуман бадийликни тўғри бериб қўйишгина кифоя қилмайди.

“Таржимон таржима қилинаётган асарнинг ўзига хослигини, авторнинг индивидуал услубини ҳам бера олиши керак”. Ғайбулла Саломов олимнинг бу фикрларни давом эттириб, таржиманинг лингвистик масалалари ҳақида сўз юритаркан, “Таржимон халқнинг тили, тарихи, этнографияси, маданиятидан яхши хабардор бўлишдан ташқари, сўз танлашда ўзига хос дидга ҳам эга бўлиши зарур”, дейди. [20, б 50]

Таржиманинг мана шу жиҳаларини инобатга олган ҳолда ҳазрат Навоийнинг “Хамса” асарининг бешинчи дostonи бўлмиш “Садди Искандарий” дostonинг инглиз тилига таржимасидан парчаларни келтириб ўтмоқчимиз ва таржимада жараёнида дуч келган муаммолар ҳақида тўхталмоқчимиз.

Сенинг илгари *хирож* учун келган элчингни узр айтиб, тирик қўйиб юбордик. Деган экансанки: «Доро ўлиб, тахт менга қолди». Деб эрдимки: «Доро билан менинг: ўртамда тинчлик, келишувчилик муносабатлари барқарор эди. У мени енгган эмасди, менга тўланадиган хирожни белгилаб бермаганди. Агар сен шундай қилмоқчи бўлсанг, иккаламиз ёлғизликда ўтириб, бу масалани ҳал қилиб олайлик. Бу ишга рози бўлмасанг, казо менинг пешонамга ёзганини кўравераман-да.

We had let your envoy go saying sorry who came for *kharaj* before. You had said that: Doro is dead, his throne is mine. I said: there was a peace agreement between Doro and me. He had not defeated me; he had told me nothing about paying *kharaj*. If you want to do so, we have to sit alone and solve this problem. If you don't agree with this, I will see what was written on my destiny.

Биринчи гапдаги *хирож* сўзига эътибор берайлик, бизга маълумки хирож Мовороуннаҳр ҳудудида ер ва ердан олинадиган солиқ тури ҳисобланган. Бу сўзни инглиз тилида муқобил варианты йўқ, бу билан инглиз тилида бундай солиқ тури мавжуд эмас деган фикрдан йироқмиз. Бунга сабаб ўрта асрларда Англияда *land tax* деган солиқ тури мавжуд бўлган, лекин бу Мовороуннаҳр ҳудудида ер ва ердан олинадиган даромат солиқ туридан фарқ қилган, боиси Англияда бу солиқ тури фуқароларнинг шахсий мулки ҳамда даромати учун ундирилган. Демак, икки солиқ тури ўртасидаги фарқни инобатга олган ҳолда хирож сўзини *kharaj* шаклида олишни маъқул топдик.

Ҳар қайси ўқчи ва ханжарбоз темир кийимларда бўлиб, шунча сипоҳлар билан Чин хоқони Чин шаҳридан чиқиб келдию, душмандан олдинроқ улгуриш учун сипоҳларни тезда тушириб, хандақ қаздиришни бошлади. Ўз сипоҳининг чор атрофича хандақ қаздирди. Унинг, хандақнинг даври 15 йиғоч бўлиб, ичи метинлар билан мустаҳкамланган. Кўпдан-кўп арава ҳам тайёр бўлиб, улар устига тўралар 4 ўрнатилган, аралар бир-бирига боғланган бўлиб, уларнинг кетидан найзали ва ўқотар

сипоҳлар тизилганди. Хандақлар олдига мустаҳкам мўнду санчиклар тиқиб қўйилганди.

Chinese king came out of Chine city with soldiers, every archer and swordsman was dressed armoured clothes, and to catch up they started digging a moat earlier than enemy. They dig up a moat as long as their soldiers' line. The length of the moat was 56.3 mile and inside of the moat was made stronger with iron. A lot of wagons were ready, on the wagons there were set a special roof for battle, and they were connected to each other, behind them archers lined. They set special fences in front of moats.

Юқорида келтирилган **йиғоч** сўзига эътибор берадиган бўлсак, аввало бў сўзни ўзини тушуниб олишимиз керак. Йиғоч бу қадимги масофа ўлчов бирликларидан бири бўлиб 1 йиғоч — 5985 метр, баъзи жойларда 8-9 км.га тенг деб Бобур таваллудининг 332 йиллиги муносабати билан Андижондаги Бобур боғида халқаро анжуманда таъкидланган. Бу ўлчов бирлигини инглиз тилига таржима қилиш жараёнида инглиз ўлчов бирлиги “mile”дан фойдалансак мақсадга мувофиқ бўлади Яъни, 15 йиғоч ўртача 56.3 “mile”га тенг. Демак таржима жараёнида йиғочни ўрнига “mile”ни ишлатишни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Юқоридаги жумлаларни ичида **тўра** деган сўз ҳам мавжуд. Бу сўз ҳарбий соҳага тегишли сўз бўлиб, тўра-ҳарбий юришлар пайтида ҳужум қилиш учун мўлжалланган ва тўрт томони ўралган ҳарбий қўрилмадир. Бундай қўрилма инглизларда мавжуд бўлмаганлиги сабабли ушбу ҳарбий қурилмани инглиз тилига таржима қилиш муаммоли вазиятни юзага келтиради. Шунини инобатга олган ҳолда тўра сўзини инглиз тилига ***all sides rounded special military device for attack*** деб таржима қилиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Хулоса ўрнида шунини айтишимиз керак-ки, таржимон таржима жараёнида учраган қийинчиликларни чуқур мулоҳаза, моҳирлик билан енгиб ўтиш лозим.

3.2. “Садди Искандарий” достонинг насрий баёнидаги айрим сўзларнинг инглиз тилига таржимаси хусусида

Ушбу илмий иш давомида ҳазрат Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достонининг насрий баёнида келтирилган архаик, лингвомаданий ва бугунги кунда деярли тушуниб бўлмайдиган сўзлар ва сўз бирикмаларини туркий тилдан бугунги ўзбек тилига ҳамда инглиз тилига изоҳли луғатлар ёрдамида таржима қилинган сўзларни қуйида келтириб ўтишни жоиз деб топдик.

Асардаги сўз ва ишлатилиш ҳолати	Ҳозирги ўзбек тилидаги маъноси	Инглиз тилидаги таржимаси
<u>АБАС</u> Етар бўлса филҳол улумдин газанд <u>Абас</u> бўлди бас ҳабсу зиндону банд	Бефойда, кераксиз, беҳуда, бекор	Purposeless, useless
<u>АБНОЙИ ЖИНС</u> Сени қилди чун холиқи корсоз Ўз <u>абнойи жинсинг</u> аро сарфароз	Қариндош, улфат, ҳамфикр, уруғдош	Relatives, friend
<u>АБРИ КОФУРБЕЗ</u> Вале мушк уза <u>абри кофурбез</u> Жаҳон узра якдаст кофурбез (26968)	Қор ёғдирувчи булут	Dark cloud
<u>АБРИ МУТИР</u> Ҳаё гулистонида <u>абри мутир</u> Адаб осмонида меҳри мунир	Кўп ёғинли булут	obese
<u>АБҲАР ШАМИМ</u> Келиб бешадин атри анбар насим Келиб тийра туфроғин абҳар шамим	Хушбўй, наршис хидли	Aroma, pleasant odor
<u>АВД</u> Булар қилмайин <u>авд</u> , побўс этиб Ки бир ўзга хайли малойиқ этиб	Қайтиш, қайтмоқ	Get back, come back, return
<u>АВЖ</u> Аён бўлмайин баҳри зотингға мавж Анинг мавжиға не ҳазизу не <u>авж</u>	Баланд, юқори	High, huge, top, tall
<u>АВЖИ РИФЪАТ</u> Юз эллик қари авжи рифъат анга, Яна мунча даги захомат анги	Юқори мартаба, юксак даража	Pride of place, promotion
<u>АВЖ ОҲАНГИНИ ҚИЛ</u> Қуёш чун қилиб <u>авж оҳангини</u> Ёрутти яна чарх аврангини	Юқорига интилмоқ	Trying up, reaching top
<u>АВЗОЪ</u>	Ҳолат, аҳвол, шароит	Condition,

Ўз авзоиға боқса сар то кадам Топар айласа яхши андеша ҳам		occasion, state
АВН Яна Ардашер ибн Хурмузға кави Етишти ул чу тенридин топти авн	Ёрдам, мадад	Help, aid, assistance
АВОМ Ки суҳбат муносибдурур этса шом Ки топқай суқун уйқу бирла авом	Омма, халойиқ, оддий халқ	Natives, boodle, crowd
АВОНИ Яна ёшимдин минг авонию зарф Латофат аро бир биридин шигарф	Идишлар, қоплар	hollow-ware, dishes
АВОСИТ Булардин авосит ародур ашад Ки нуқсонлари фош ўлур беадад	Ўрта, ўртадагилар, ўртача	Middle, median, on the average
АВР Нединким эрур бир жаҳон халқи авр Солиб даҳр аро нолайи тавхи савр	Яланғоч	Bare, naked
АВРАНГ Мусаллам анга эрди аврангу тож Ки боғишлади етти йиллик хирож	Тахт, ўрда	Siege, crown
АВРОҚ Тенгизда равон қилған асбоқини, Чекилган мисоҳатнинг авроқини	Варақлар, саҳифалар	Leaf, sheets, pages
АВСОФИ ХИЛМ Ки эй ғусса ошомида қофи хилм Сенинг зотингга содиқ авсофи хилм	Тоқат, бардош, юмшоқлик, ҳалимлик, сифатларининг мақтови	Praising of patience, mildness degree
АВҚОТ Иши йиғлайи узри мофот эди Анга тонғгача бўйла авқот эди	Умр кечириш, вақт ўтказиш	Spend one's life, spend time
АДИЛ Сўзни айлаб улар сўзига адил , Балки тағйир этиб бериб табдил	Монанд, ўхшаш, баробар, тенг	Similar, like, equal
